Барчамиз яхши тушунамизки, Янги Ўзбекистон – аввало, инсон ҳаёти, унинг саломатлиги, ҳуқуқ ва манфаатлари, қадр-қиммати қонун асосида ишончли ҳимоя қилинадиган давлат дегани.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

O‘zingni angla!

Hurriyat

Mustaqil gazeta

2026-yil
11-noyabr
chorshanba
№ 45 (1523)

Gazeta 1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan ★ www.uzhurriyat.uz ★ @ hurriyatuz@mail.ru ★ t.me/hurriyatuz ★ Hurriyat gazetasi

САМАРА

ОКМКда ТАРИХИЙ НАТИЖА

ёки “Олмалиқ кон-металлургия комбинати”нинг 3-мис бойитиш фабрикасида дастлабки 10 миллион тонна маъдан қайта ишланди





Ҳа, комбинатнинг 3-мис бойитиш фабрикасида 2026 йил 16 мартдан 4 ноябргача 10 миллион тонна маъдан қайта ишланди.

Шу даврда Мис эритиш заводига 160 минг тоннадан ортиқ мис концентрати етказиб берилган.

Ишлаб чиқариш суръатлари ойма-ой ўсиб борди. Май ойида 661 минг 500 тонна маъдан қайта ишланган бўлса, июнь ойида 1 миллион 161 минг 805 тонна, октябрь ойида эса 1 миллион 600 минг тонна маъдан қайта ишланди. Бу март ойига нисбатан 2,5 баравардан ортиқ маъдан қайта ишланди деганидир.

Ушбу тарихий зафарга муносиб ҳисса қўшган ишлаб чиқариш илғорларини шарафлаш мақсадида тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Тадбирда сўз олган ОКМК бошқаруви раиси, сенатор Абдулла Хурсанов барчани ушбу зафарли муваффақият билан самимий мубораксбод этди. Комбинат раҳбари ўз нутқида ҳозирда комбинатда йирик инвестиция лойиҳалари юқори суръатларда ва жадаллик билан амалга оширилаётганини, аҳил меҳнат жамоаси бундан кейин ҳам ҳамжиҳатликда бундан-да юқори мақсад ва марраларни забт этишига ишончи комил эканлигини алоҳида таъкидлади.

Тантанали маросим давомида мана шундай натижа қайд этилишида юксак жонбозлик кўрсатган 4 нафар комбинат масъул ходимига турли даражадаги “Кончилик шуҳрати” кўкрак нишонлари топширилди. Шунингдек, 67 нафар фабрика ишчиси, комбинат таркибий бўлинмалари мутахассислари ҳамда пудрат ташкилотларининг вакилларига ташаккурномалар ва қимматбаҳо эсдалик совғалари топширилди.

ОКМКнинг фахрий вакилларидан бири, Ўзбекистон Қаҳрамони Сайдали Раҳманов ва комбинат таркибий бўлинмалари раҳбарлари, ёшлар ва пудрат ташкилотлари аъзолари ушбу юксак натижа тасодиф эмаслигини қайд этишди. Улар ўз чиқишларида мазкур улкан меҳнат маррасининг замирида, энг аввало, Президентимизнинг комбинатга қаратаётган доимий эътибори ва ғамхўрлиги, ОКМК раҳбарияти ҳамда муҳандис ва мутахассисларнинг вазифаларга пухта ёндашуви ҳамда кўп минг кишилик ишчи-ходимларнинг ҳамжиҳатлиги ётганини эътироф этдилар.

Катта имкониятлар сари ташланган дадил қадам комбинатнинг истиқболдаги янги зафарлари учун муҳим пойдевор бўлиб хизмат қилади.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, Президент Шавкат Мирзиёев 16 март куни ишга туширган фабрика “Ёшлик I” конини ўзлаштириш лойиҳасининг асосий объектларидан бири ҳисобланади. Унинг лойиҳавий қуввати йилига 60 миллион тонна маъданни қайта ишлаш ва қарийб 900 минг тонна мис концентрати ишлаб чиқаришга мўлжалланган.

Ҳозирда фабрикадаги 12 та тегирмондан 10 таси фойдаланишга топширилган. Қолган иккитасида созлаш ва синов ишлари давом этмоқда. Корхонани босқичма-босқич лойиҳавий қувватга олиб чиқиш режалаштирилган.

Мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятига муносиб ҳисса қўшаётган ушбу корхона фаолияти йилдан-йилга ҳар томонлама ривожланиш босқичларида, десак, муболаға бўлмайди. Шу боисдан ҳам бу ерда меҳнат қилаётган минглаб ишчи-хизматчилар, муҳандис ва технологлар, турли мутахассислар, барча-барчалари ҳақли равишда фахрланишади.

Зеро, бунга улар ҳақлидирлар.

Муҳаммад КЕНЖА.

МУҲОКАМА УЧУН МАВЗУ

ТАКЛИФ ЎЗИМИЗДАН ЧИҚИШИ КЕРАК

Бу майдонда нима гаплар?



Кейинги вақтда ўзбек медиа муҳитида ноаниқ ва баҳсли ҳолатлар тобора кўпаймоқда. Айниқса, туман ва маҳалла даражасида профессионал журналистика заифлашиб, бўшаб қолган ахборот майдонини ҳеч ким олдида касбий масъулияти бўлмаган манбалар эгаллаётгани ташвишлидир.


2019-2026 йилларда Тошкент вилояти ҳокимининг матбуот котиби — маслаҳатчиси лавозимида ишлаб, бир қонуниятга дуч келдим: жамоатчиликни чалғитувчи, асоссиз чиқишлари билан танилган блогерлар айнан маҳаллий нашр заифлашган, таҳририят муҳити бузилган ҳудудлардан етишиб чиқмоқда.

Масаланинг ахборот хавфсизлигига бевосита дахлдор томонлари борлигини, муттасил давом этиб келаётган айрим можаролар давлатимиз имижига салбий таъсир кўрсатаётганини салмоқлаб кўриб, ахборот муҳитини ичидан биладиган соҳа вакили сифатида таҳлил қилиб, вазиятни энг қуйи бўғиндан бошлаб бартараф этишга доир ўз таклифларимни билдирмоқчиман. Мен илгари сураётган ечимлар ОАВ фаолиятига аралашишни эмас, аксинча, таҳририятларни шахсга қарамликдан институт даражасига кўтаришни ҳамда ахборот майдонида профессионал, масъулиятли журналистика мавқеини тиклашни назарда тутади.

Эътиборли жиҳати, ушбу таклифларни жорий этиш катта молиявий харажат талаб қилмайди. Қонуности ҳужжатлари тартибга солиниб, шундай иш олиб боришга муассислар томонидан рухсат берилса, 2027 йилда тажриба-синов (пилот) лойиҳаси сифатида муайян вилоятнинг бир тумани миқёсида синаб кўриш мумкин.

4-б.

АНЖУМАН



ЎЗБЕКИСТОН – РОССИЯ:

ЧЕГАРАЛАР ОША АХБОРОТ ҲАМКОРЛИГИ

Шу йилнинг 9-10 ноябрь кунлари Тошкентда III Ўзбекистон – Россия медиафоруми бўлиб ўтди. Унда икки мамлакат журналистлари, йирик медиа ташкилотлари раҳбарлари ва соҳа мутахассислари иштирокида ахборот алмашинуви, рақамли технологиялар, сунъий интеллект, медиатаълим ҳамда қўшма контент яратиш истиқболлари муҳокама қилинди.

Бир хабар икки мамлакат аудиториясида икки хил тасаввур уйғотиши мумкин. Бунда воқеанинг ўзи қанчалик муҳим бўлса, унинг қайси манбага таяниб, қандай талқин ва ёндашув билан ёритилгани ҳам шунчалик аҳамиятли. Шу маънода, медиа ҳамкорлиги таҳририятлар ўртасидаги тажриба алмашинувидан кенгроқ тушунчадир. У мамлакатлар ҳақида холис тасаввур шакллантириш, ишончли ахборот алмашиш ва аудиторияга сифатли контент тақдим этиш билан бевосита боғлиқ.

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва Россиянинг ТАСС ахборот агентлиги ҳамкорлигида ташкил этилган III Ўзбекистон – Россия медиафоруми айнан шу масалаларни муҳокама қилишга қаратилган эди.

2-б.

ИСТИҚЛОЛ ОДИМЛАРИ

СУРХОН ВОҲАСИ

янгиланишлар ва бунёдкорлик оғушида

Кўпинча раҳбарлар ҳақида ёхуд бирор обод ҳудуд, манзилларда амалга оширилаётган ижобий ишлар ҳақида илиқ сўз айтиш, бўлаётган ўзгаришларни эътироф этиш бошқача талқин қилинади. Кимгадир ёқиш учун, мақташ, ҳамду сано учун дегандек... Лекин бугун Янги Ўзбекистонда, мамлакатимизнинг вилоятларида, туман ва шаҳарларида, минглаб маҳаллаларида амалга оширилаётган ислоҳотларни, одамларни рози қилиш борасида кўрилаётган чора-тадбирларни эътироф этмаслик ҳам мумкин эмас.

Куни кеча таҳририят йўлланмаси билан Сурхон воҳасида бўлдик. Бугунги Сурхондарё билан танишдик. Вилоят ҳокими Улуғбек Қосимовнинг тиним билмай воҳа халқи фаровонлиги йўлида олиб бораётган ишларини ўзидан эмас, вилоят аҳлидан эшитдик. Ўтмиши қадим бу муаззам воҳанинг бугуни ёруғ ўзгаришларга юз тутаётганига гувоҳ бўлдик.

Қуйида сўзимиз шу ҳақда.

БАХШИЛАР КУЙЛАГАН ДИЁР

Бир томонда салобатли тоғлар осмон билан бўйлашган, бир томонда чексизликка туташган кенг водийлар, ям-яшил далалар ва адирлар бағрида жойлашган қишлоқлар. Амударёнинг сокин оқими. Тоғ сойларининг шовуллаши. Тонгги шабадада тебранаётган боғлар. Ошиқ бахшилар мангу куйлаган воҳанинг бетакрор табиати, ўзига хос жозибаси қиёссиз. Асрлар давомида сайқал топган маданият, авлоддан-авлодга ўтиб келаётган маънавий мерос. Эртанги кунга ишонч билан қадам ташлаётган заҳматкаш сурхондарёликлар.

Қадимшунослар воҳа заминидан топилган ҳар бир ашё, ҳар бир меъморий қолдиқ, ҳар бир маданий қатлам олис аждодларимизнинг турмуш тарзи, дунёқараши, бунёдкорлик салоҳияти ва маънавий олами ҳақида дарак беришини тасдиқлайди. Сополлитепа ва Жарқўтон ёдгорликлари бронза даврида ёқ бу ҳудудда деҳқончилик, ҳунармандчилик ва ўтроқ ҳаётнинг юксак даражада шаклланганидан далолат берса, Холчаёндаги қадимий сарой меъморчилиги ва ҳайкалтарошлик намуналари бадиий тафаккур, эстетик дид ва санъат анъаналари нечоғлик ривожланганини кўрсатади. Далварзинтепа Кушонлар даври шаҳарсозлиги, ҳунармандчилик ва савдо-сотиқ тараққиётини ўзида мужассам этган муҳим тарихий маскан бўлса, Термиз яқинидаги Фаёзтепа ва Қоратепа буддавийлик маданиятининг Марказий Осиёдаги муҳим марказлари сифатида тарих зарварақларидан муносиб ўрин олган.



Амударё бўйидаги қадимий қалъа ва савдо маскани — Кампиртепа эса бу ҳудуднинг узоқ ўтмишда ҳам муҳим йўллар, маданий таъсирлар ва савдо алоқалари кесишган макон бўлганини кўрсатади.

3-б.



ЎЗБЕКИСТОН – РОССИЯ:

ЧЕГАРАЛАР ОША АХБОРОТ ҲАМКОРЛИГИ

1-6.

Унда 200 нафардан ортиқ журналист ва медиа соҳаси вакиллари, 50 дан зиёд етакчи медиа компаниялар раҳбарлари, давлат идоралари, IT компаниялари ҳамда креатив индустрия вакиллари қатнашди.

Форумнинг асосий мақсади — икки мамлакат медиа ташкилотлари ўртасидаги профессионал алоқаларни мустаҳкамлаш, тажриба алмашиш, рақобатбардош миллий контент яратиш ва янги қўшма лойиҳаларни амалга ошириш учун имкониятларни кенгайтириш. Муҳокамалар фақат мавжуд ҳамкорликни сарҳисоб қилиш билан чекланмай, унинг истиқболдаги амалий йўналишларини белгилашни ҳам назарда тутади.

Ўзбекистон – Россия медиафорумининг илк учрашуви 2018 йил 6 октябрда Тошкентда ўтказилган. Иккинчи форум эса 2021 йил 18 ноябрь куни онлайн форматда ташкил этилган. Учинчи форумнинг ўтказилиши икки мамлакат медиа вакиллари ўртасидаги мулоқот изчил давом этаётганини кўрсатади. Бу галги кун тартибида эса ахборот ишончлилиги, журналистлар малакасини ошириш, рақамли трансформация ва маданий алоқаларни медиа орқали ривожлантириш каби долзарб масалалар ўрин олган.

Форумнинг “Ўзбекистон – Россия: медиа, коммуникация ва ахборот соҳасида стратегик ҳамкорлик” мавзусидаги ялпи мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси Коммуникациялар департаменти раҳбари, Президент матбуот котиби Шерзод Асадов, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги бош директори Абдусаид Кўчимов, Россия Президентининг стратегик шериклик ва ҳамкорлик бўйича бошқармаси бошлиғи Вадим Титов, ТАСС (Россия) бош директори Андрей Кондрашов ва бошқа масъуллар иштирок этдилар.

Ялпи мажлисда Ўзбекистон медиа соҳасида амалга оширилаётган ўзгаришлар ва халқаро ҳамкорликнинг устувор вазифалари ҳақида сўз юритилди. Шерзод Асадов келтирган маълумотларга кўра, мамлакатимизда медиа фаолиятини молиялаштиришнинг 67 фоизи хусусий капитал ҳиссасига тўғри келади. Оммавий ахборот воситалари сони қарийб 3 мингга етган, интернет қамрови эса 94 фоизни ташкил этмоқда. Жорий йилда қарийб 15 минг номдаги китоб нашр этилгани, умумий босма адади 60 миллион нусхадан ошгани ҳам ахборот ва нашриёт соҳасидаги жараёнлар кўламининг баланд эканлигини ифодалайди.

Шу билан бирга, ахборот оқимининг кенгайиши унинг ишончлилиги масаласини ҳам кескинлаштирмоқда. Дезинформация бир мамлакат доирасида қолиб кетмайди, қисқа фурсатда турли аудиторияларга тарқалади. Бундай вазиятда журналистнинг масъулияти, манбаларни текшириш, факт ва тахминни фарқлаш, хабарни холис ёритиш тамойиллари алоҳида аҳамият касб этади. Форумда ёлғон ахборотга қарши ҳамкорликда курашиш, сунъий интеллект ҳамда рақамли технологиялар соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантириш, таҳририятлар, журналистлар ва блогерлар ўртасида бевосита алоқаларни кенгайтиришдан иборат.

Мазкур йўналишлар доирасида мунтазам стажировкалар ташкил этиш, қўшма журналистика мактаблари ва таълим платформаларини яратиш, фактларни текшириш бўйича умумий стандартларни ишлаб чиқиш ҳамда тезкор ахборот алмашинувини йўлга қўйиш таклиф этилди. Бу ташаббусларнинг аҳамияти шундаки, улар форумдаги фикр алмашинувини аниқ касбий ҳамкорлик шаклларига айлантириш имконини беради.

Форум дастуридан ўрин олган тўртта мавзули сессия ҳам икки мамлакат медиа соҳаси олдида турган вазифаларни қамраб олади. Улардан бири туризм, спорт ва гуманитар алмашинувларда оммавий ахборот воситаларининг ўрнига бағишланган. Унда медиа орқали мамлакатларнинг сайёҳлик салоҳияти, маданий ҳаёти ва инсонлар ўртасидаги алоқаларни кенгроқ ёритиш масалалари кўриб чиқилди.

“Рақамли даврда медиа келажаги” сессиясида эса контент ишлаб чиқариш ва тарқатишнинг янги усуллари, сунъий интеллект имкониятлари ҳамда медиа ташкилотларининг технологик ўзгаришларга мослашуви муҳокама қилинмоқда. “Yandex”, “Uzinfocom”, НТВ ва “Коммерсант” каби ташкилотлар вакилларининг иштироки мавзунинг амалий аҳамиятини оширди.



Вадим ТИТОВ,
Россия Президентининг стратегик шериклик ва ҳамкорлик бўйича бошқармаси бошлиғи

Яна бир сессия аудиториянинг ахборот истеъмоли ўзгаришларига бағишланди. Анъанавий нашрлар ва телевидение билан бир қаторда ижтимоий тармоқлар, видеохизматлар ва турли медиаплатформаларнинг таъсири ортиб бораётгани журналистлардан янги форматлар ва ёндашувларни талаб қилмоқда. Бу жараёнда контентнинг тезкорлиги билан бирга унинг мазмуни, ишончлилиги ва аудитория эҳтиёжига мослиги ҳам муҳим мезон бўлиб қолмоқда.

“Миллий маданий код медиа маконида: анъанавий қадриятлар ва келажак нигоҳининг уйғунлиги” мавзусидаги сессияда эса тарих, санъат, маданий мерос ва миллий анъаналарни медиа воситасида тарғиб этиш масалалари кўриб чиқилди. Хусусан, қўшма ҳужжатли ва бадиий фильмлар, анимацион асарлар ҳамда махсус медиалойиҳалар яратиш имкониятлари муҳокама қилиниши режалаштирилган. Бундай ташаббуслар икки мамлакат томошабинларига бир-бирининг маданияти ва тарихини янада чуқурроқ танитишга хизмат қилиши мумкин.

Форумнинг иккинчи кунига мўлжалланган дастурида ҳам амалий машғулотлар ва касбий мулоқотга алоҳида эътибор қаратилди. Киберхавфсизлик ва болаларни кибермаконда ҳимоя қилиш бўйича семинар, медиатаълимга бағишланган учрашувлар, шунингдек, “New Media Workshop” доирасида маҳорат дарслари ташкил этилиши бежиз эмас. Машғулотларда сохта ахборот ва генератив контентни текшириш, ижтимоий тармоқлардаги медиа таъсирини таҳлил қилиш, аудитория фаоллигини ўрганиш ҳамда ҳужжатли ҳикоячилик масалалари ёритилди. “B2B” учрашувлари эса медиа ташкилотлари ўртасида бевосита алоқалар ўрнатиш ва ҳамкорлик лойиҳаларини муҳокама қилиш имконини берди.

Шундай қилиб, III Ўзбекистон – Россия медиафоруми кун тартибига бир-бирини тўлдирувчи бир неча муҳим вазифани олиб чиқди: ишончли ахборот алмашинуви, журналистлар малакасини ошириш, рақамли технологиялардан самарали фойдаланиш, миллий маданиятни тарғиб этиш ва қўшма медиамаҳсулотлар яратиш. Уларнинг ҳар бири алоҳида йўналиш бўлиб кўринса-да, барчасини битта мақсад — профессионал, масъулиятли ва рақобатбардош медиа муҳитини ривожлантириш ғояси бирлаштирди.

Форумнинг натижаси, шубҳасиз, унда билдирилган таклифларнинг кейинги босқичда қай даражада амалга оширилиши билан белгиланади. Стажировкалар, қўшма таълим лойиҳалари, фактчекинг ҳамкорлиги ва медиамаҳсулотлар яратиш бўйича келишувлар амалий тус олса, Тошкентдаги мулоқот икки мамлакат журналистикаси учун узоқ муддатли ҳамкорликка замин яратади.

Фарангиз АБРУЕВА,
“Hurriyat” мухбири.

ОҒРИҚ

НАҲОТ ИШҚ ҚИСМАТИ БУНЧА БЕРАҲМ...

Йигитлар мактубин битганда қондан,
Келинлар фироқдан чекканда ёҳу,
Унинг ҳам паноҳи қайтмади жангдан,
Ўн тўққиз ёшида бева қолди у...

Юракларни ларзага келтирувчи, манфур урушнинг оғир асоратларини очиб берган бу шеърни яхши биласиз. Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири Абдулла Орипов қаламига мансуб бу ашъорни ҳеч ким бефарқ ўқий олмаса керак. Чунки юртимизда мудҳиш уруш оқибатлари кириб бормаган бирорта хонадон топилиши амримаҳол.

Юракка яқин шеър ўз-ўзидан ёзилмайди. Юртимизда бундай қаҳрамон жангчиларнинг беваси жуда кўп бўлган. Бу шеър Қарши туманидаги Қовчин қишлоғида истиқомат қилган Бодомгул аянинг тақдиридан сўзлаётгандек гўё.

...Бодомгул ва Ҳасанжоннинг тўйи 1941 йил июнь ойида бўлиб ўтди. Уларга кўпчилик ҳавас қилди: “Бир-бирига жуда муносиб”, дейишди. Бундан келин-куёв дунёларга сиғмай қувонди.

Кунларнинг бирида қишлоққа машъум хабар ўрлади: уруш бошланибди. Бахт оғушидаги келинчак Бодомгул бу гапга бошида парво қилмади, Ҳасанжон билан бир ёстиққа бош қўйганига ўн беш кун бўлганида эса чақирув қоғози келди. Ўшанда у бор-йўғи 19 ёшда эди.

— Тез қайтаман, уруш узоққа чўзилмайди, — деди Ҳасанжон. — Мени кут!

— Умримнинг охиригача кутаман сизни, — деди Бодомгул хайрлашар чоғида.

Уруш номи билан уруш. Забардаст йигитлар фронтга кетди. Ҳамма иш кексалар ва аёлларга қолди. Даладаги оғир меҳнат вужуд-вужудини эзиб ташласа-да, Бодомгул асло чарчадим демади. У бу қийинчиликлар тезда ортда қолишига, севикли ёри Ҳасанжон тез кунларда ғолиблар қаторида қайтишига ишонарди...

Қишнинг заҳри кетиб, тарновлардаги сумалаклар эрий бошлади. Қиру адирларда бойчечаклар бўй кўрсатди. Қалдирғочлар уй айвонига ин қуриш ташвишига тушиб қолди. Далаларда иш қайнай бошлади. Қаҳратондан ҳориб чиққан қишлоқ аҳли Наврўзи оламга тайёргарлик кўраётган пайтда узоқдаги сўқмоқ йўлда бир аскар кўринди.

— Ҳасан акам шу, аниқ Ҳасан акам! — дея Бодомгул оёқяланг югурди. Аскар ҳам худди Ҳасанжонга ўхшар, аммо қўлтиқтаёқда эди. Яқин қолганда эса кийими ўзига ярашган бу аскар бегона эканини билди ва Бодомгул ерга чўккалаб қолди.

— Синглим, хафа бўлманг, сиз кутган инсон, албатта, келади, — дея таскин берди аскар йигит...

Бодомгул яна ўн марта адашди, келаётган аскар томон ўнинчи бор югуриб чиқди. Ёридан эса на хат, на хабар бор эди. Урушга кетганига бир ой бўлганида “Бодомгул, мени кут, мен албатта қайтаман” деган мазмунда мактуб олган эди. Шу биргина хат унга илинж, умид ва ишонч бериб турарди.

...Уруш тугаб, қишлоққа энг охирги жангчи ҳам қайтди. Аммо Ҳасанжондан дарак бўлмади. “Майли, ногирон бўлса ҳам тирик келса майли эди”, деб фарёд чекарди Бодомгул.

Уруш тугаганига анча йиллар бўлганида ҳам Бодомгул ёрини кутишдан чарчамади. У аёллар бригадасига раҳбарлик қилиб, бор аламини меҳнатдан олди.



— Ўтган асрнинг 80-йиллари эди, — дея эслайди Бодомгул момонинг жияни Дилмурод Холиёров. — Бир куни аммамнинг хонасига кирсам, йиғлаб ўтирган экан. На чиқиб кетишимни, на киришимни билмай эшик ёнида туриб қолдим. Чунки аммамни бундай ҳолатда асло кўрмаган эдим. Йиғласа ҳам ҳеч кимга сездирмас эди. Қарасам, қўлида Абдулла Ориповнинг китоби.

— Дилмуроджон, кел, мана бу сатрларни кўр, худди мен ҳақимда ёзилгандек, — деди аммам ва ўқиди:

Наҳот ишқ қисмати бунча бераҳм,
Бунчалар буюксан вафо шеваси.
Сенгадир ҳурматим, сенга шарафим,
Қаҳрамон жангчининг содиқ беваси...

Аммам менга суяниб ўкириб юборди. Мен ҳам йиғладим. Қанийди, аммамга таскин бўла олсам, дардларига малҳам бўлсам. Афсуски, бунинг иложи йўқ эди. Аммажоним умрининг сўнгигача ўз суюкли ёрини кутиб яшади...

Ҳикоямиз қаҳрамони Бодомгул Олимова 1941 йилдан 1980 йилгача Қарши туманидаги Қовчин қишлоғида пахтачилик, ғаллачилик ва сабзавотчилик бригадаларига раҳбарлик қилиб, элда катта обрў-эътибор топди. Нафақага чиқди, дориломон кунларни кўрди.

Ая 2013 йилда 90 ёшида бу дунёни тарк этди. Ундан мерос — биттагина сандиқ қолди. Сандиқни очишганда ичидан ёрига ўз қўллари билан тиккан тўн, белқарс, дўппи, Ҳасанжон урушдан ёзган ягона “мени кут, мен келаман” деган хат ва... Абдулла Ориповнинг “Аёл” номли шеъри чиқди:

Назокат пайтимас, яқинроқ келинг,
Буюк зот қошида айлангиз салом.
Шу содиқ бевага саждалар қилинг,
Шу содиқ бевага айланг эҳтиром.

Ҳатто зеб-зийнатни юлқиб зиёда,
Ҳайкал ҳам қўйингиз бамисли хаёл.
Шундайлар бўлмаса агар дунёда,
Бу қадар муҳтарам бўлмасди аёл.

Фахриддин БОЗОРОВ,
Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси.

ТАНЛОВ

“ДУНЁ МАМЛАКАТЛАРИ”ГА САЁҲАТ

Дунё харитасига қараш билан уни англаб етиш ўртасида катта фарқ бор. Мамлакатлар номини ёд билиш мумкин, бироқ уларнинг тарихи, маданияти ва тараққиёт йўлини англаш чуқур изланишни талаб этади. Китоб эса ана шу изланиш йўлидаги энг ишончли ҳамроҳдир. Бугунги кунда мутолаа рақамли ижод ва замонавий технологиялар билан уйғунлашиб бормоқда.



7 ноябрь куни Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида “Дунё мамлакатлари” видеороликлар танлови ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ҳамда “Қанот” лойиҳаси ҳамкорлигида ташкил этилган танлов муаллиф Лазиз Раҳматовнинг шу номдаги энциклопедик китоби асосида ўтказилди. Унда иштирокчилар олдига китоб мазмунини ижодий талқин қилиш ҳамда ўз билимларини замонавий медиа воситалари орқали жамоатчиликка етказиш вазифаси қўйилди. Онлайн танловда республиканинг турли ҳудудларидан 1 200 нафар ёш йигит-қизлар иштирок этди. Тақдим этилган қарийб 100 та ижодий иш ичидан 60 та энг сара видеоролик танлаб олинди.

Лойиҳанинг аҳамияти шундаки, у китобхонликка янгича ёндашувни таклиф этди. Иштирокчилар энциклопедиядаги маълумотлар асосида турли давлатларнинг тарихи, географияси, бошқарув тизими, маданияти, санъати ва адабиётини видеолавҳалар орқали маҳорат билан ёритиб бердилар. Жараёнда ахборот технологиялари ҳамда сунъий интеллект имкониятларидан унумли фойдаланилгани ижодий изланиш билан рақамли саводхонлик уйғунлигини кўрсатди. Тадбирда сўзга чиққанлар энциклопедик нашрларнинг ёшлар дунёқараши ва интеллектуал салоҳиятини юксалтиришдаги ўрнини алоҳида эътироф этиб, бу каби ташаббуслар мутолаага қизиқишни кучайтириш баробарида, билимни амалда намойиш этиш имконини беришини таъкидладилар.

Лойиҳа муаллифи, сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) Лазиз Раҳматов электрон китоб негизида ташкил этилган танловда 1 200 нафар ёш йигит-қизлар қатнашганини билдирди. Унинг сўзларига кўра, айрим оилалар фарзандлари ва яқинлари билан биргаликда иштирок этиб, мутолаа ва билим олиш жараёнини мазмунли оилавий машғулотга айлантирган. Мазкур китоб нафақат маърифий манба, балки амалий сафарлар чоғида ҳам беминнат қўлланма сифатида хизмат қилмоқда.

Таниқли радиожурналист Тўлқин Йўлдошев дунё мамлакатлари ҳақидаги билимлар халқаро муносабатларни тушуниш ва турли халқлар билан самимий мулоқот ўрнатишда муҳим эканини таъкидлади. Унинг фикрича, хорижий сайёҳлар оқими тобора ортиб бораётган бугунги даврда ўзга давлатларнинг ўзига хос хусусиятларини пухта билиш янада долзарбдир. Журналист китобга киритилган 236 та мамлакат ҳақидаги маълумотларни мунтазам равишда радио орқали тингловчиларга етказиб келмоқда.

Тақдирлаш маросимида тўрт нафар бош ғолибга Малайзия, Хитой, Грузия ва Озарбайжон давлатларига сайёҳлик йўлланмалари топширилди. Шунингдек, 12 нафар иштирокчи 100 тадан, 38 нафари эса 50 тадан китоб билан мукофотланди. Олти нафар қатнашчи олтита номдаги журналнинг бир йиллик бепул обунасига эга бўлди. Бундан ташқари, китобхонлик тарғиботидаги фаоллиги учун ўнга яқин журналист ва блогер эътироф этилди. Тадбир доирасида “Дунё мамлакатлари” қомусининг тўлдирилган янги нашри тақдимоти бўлиб ўтди ва лойиҳанинг учинчи мавсумига старт берилди.

Мазкур ташаббус Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 15 январдаги китобхонлик маданиятини ривожлантиришга қаратилган қарори ижроси ҳамда май ойида бошланган Миллий китобхонлик ҳаракати доирасидаги муҳим амалий қадамлардан биридир. Замонавий технологиялар инсонни китобдан узоқлаштириши ҳам, унга яқинлаштириши ҳам мумкин — буларнинг бари улардан қай даражада ва нима мақсадда фойдаланишимизга боғлиқ. Агар биргина видеоролик кимнидир китоб варақлашга, янги бир мамлакат ёки нотаниш маданиятни ўрганишга ундаса, демак, рақамли макон ҳам маърифатга хизмат қила олади.



“Дунё мамлакатлари” негизида ташкил этилган танлов китоб инсонни тафаккур ва тасаввур кучи орқали олис манзилларга етаклай олишини яна бир бор исботлади. Зеро, дунёни кашф этиш учун ҳар доим ҳам йўлга чиқиш шарт эмас, баъзан биргина китоб саҳифаларини варақлаб, чексиз дунёни кезиш кифоя.

Фарангиз САДРИДДИН қизи.

СУРХОН ВОҲАСИ

янгиланишлар ва бунёдкорлик оғушида

1-б.

У ердаги эллинистик давр, Юэчжи ва Кушонлар замонига оид маданий қатламлар ҳам воҳанинг мураккаб ва серқирра тарихини очиб беришда алоҳида аҳамият касб этади. Термиз ва унинг атрофидаги археологик ёдгорликлар, қадимги Чағониён, Бойсуннинг бетакрор табиати ва бой этномаданий муҳити кабилар Сурхондарё тарихини биргина давр ёки биргина маданият билан чеклаб бўлмаслигини англатади. Бу заминда турли халқлар, маданиятлар ва анъаналар учрашган, ўзаро таъсирлашган, натижада ўзига хос маънавий муҳит шаклланган. Табиат билан уйғун яшаган аҳоли ердан ризқ ундириш, яшаш маконларини обод этиш ва жамоавий ҳаётни ташкил қилиш борасида катта тажриба тўплаган. Асрлар оша давом этган ана шу жараёнлар воҳанинг бугунги қиёфасида, одамларининг дунёқарашида, урф-одатлари ва санъатида ўз аксини топмоқда.

Воҳа бахшилари дўмбирасининг ҳар бир зарбида олис ўтмиш садоси, достонларнинг ҳар бир мисрасида халқнинг дарду армонлари, мардлик ва жасорати, орзу-интилишлари мужассам. Бахши учун қўшиқ шунчаки оҳанг эмас, у халқ хотираси, авлодлар ўртасидаги маънавий кўприк, замонлар оша узилмай келаётган руҳий риштанинг ифодасидир. Бахши куйлаганда гўё тарих тилга киради, аждодлар овози бугунги кунга етиб келади, элнинг кечаги орзулари бугуннинг мақсаду интилишлари билан туташади.

Кузлаб келсин,
баҳор қайтиб кузлаб келсин,
Сурхондарём қишлари.
Довушимдан обод бўлсин, дўмбирам,
Ўзбекистон даштлари.

Бу мисраларда фасллар алмашинувининг табиий гўзаллиги билан инсон умрининг давомийлиги, меҳнатнинг самараси билан эл фаровонлиги, ўз элига бўлган муҳаббат билан бугунги Янги Ўзбекистон равнақига дахлдорлик туйғуси уйғунлашади.

БУГУННИНГ НАФАСИ

Бугун Сурхондарёда қадимийлик билан замонавийлик ўзига хос тарзда уйғунлашиб бормоқда. Бир қарашда асрлар силсиласидан омон ўтиб келган тарихий манзиллар, тоғлар бағридаги қишлоқлар, кенг далалар ва боғлар кўзга ташланса, яна бир қарашда янги ишлаб чиқариш қувватлари, замонавий хизмат кўрсатиш масканлари, обод маҳаллалар ва янгиланиб бораётган шаҳарлар намоён бўлади. Деновнинг савдо-сотиқ ва тадбиркорлик муҳити, Шеробод ва Ангорнинг кенг даштлари, Қумқўрғон ва Жарқўрғоннинг деҳқончилик анъаналари, Бойсун ва Сариосиёнинг тоғли манзиллари Сурхондарё тараққиётининг ўзига хос қирраларини белгилайди.

Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятини, инсон қадри ва манфаатларини таъминлашга қаратилган ўзгаришларнинг ҳаётдаги ифодасини Сурхондарё мисолида кузатиш мумкин. Чунки воҳада тараққиёт фақат шаҳарлар қиёфасини ўзгартириш билан чекланмайди. У олис қишлоқларга йўл очиш, аҳолини ичимлик суви ва



қўллаб-қувватланишида намоён бўлмоқда. Иқтисодий барқарорлик ижтимоий ислоҳотларнинг мустаҳкам пойдевори экани нуқтаи назаридан, 2026 йилнинг ўтган даври якунлари Сурхондарёдаги иқтисодий жараёнларни баҳолаш, воҳанинг мавжуд салоҳияти ва истиқболларини белгилашда муҳим аҳамият касб этди. Айниқса, маҳаллий имкониятларни ишга солиш, хомашёни қайта ишлаш, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва янги иш ўринларини яратиш иқтисодий ўсишнинг аҳоли фаровонлигига хизмат қилишида ҳал қилувчи ўрин тутди. Қадимий меҳнат анъаналари замонавий технологиялар, тадбиркорлик тафаккури ва бунёдкорлик ташаббуслари билан бойиб бормоқда. Ана шу жараёнларнинг кўлами ва натижаларини иқтисодий кўрсаткичлар, амалга оширилган лойиҳалар ҳамда одамлар ҳаётидаги аниқ ўзгаришлар орқали кўриш мумкин.

РАҚАМЛАРДА АКС ЭТГАН ЮТУҚЛАР

Сурхондарё иқтисодий тараққиётининг кўлами рақамларда акс этса, унинг ҳаётдаги ифодаси аҳолининг турмуш тарзида намоён бўлмоқда. Вилоятда 2026 йилнинг биринчи ярим йиллигида эришилган иқтисодий кўрсаткичлар воҳа иқтисодиётидаги фаоллик ва ўсиш суръатларини яққол акс эттиради. Жумладан, ялпи ҳудудий маҳсулот (ЯҲМ) ҳажми 35,9 триллион сўмни ташкил этиб, ўсиш суръати 107,3 фоизга етди. Бу рақамлар ортида далаларда, қурилиш майдонларида, ишлаб чиқариш корхоналари ва хизмат кўрсатиш масканларида туну кун меҳнат қилаётган минглаб сурхондарёликларнинг заҳмати, ташаббуси ва яратувчанлик салоҳияти мужассам. Айниқса, хизмат кўрсатиш соҳасининг 115,6 фоизга ўсиб, 20,8 триллион сўмлик ҳажмга етиши, қурилиш ишларининг эса 119,7 фоизга ўсиб, 7,9 триллион сўмни ташкил этиши иқтисодий фаолликнинг муҳим омилларига айланди. Саноат тармоқларида 108,2 фоизлик ўсиш қайд этилиб, ишлаб чиқариш ҳажми 9,6 триллион сўмга етгани ҳам воҳадаги иқтисодий жараёнлар кўламини кўрсатади. Асрлар давомида аҳоли турмуши ва воҳа иқтисодиётининг таянчи бўлиб келган қишлоқ хўжалигида эса ўсиш суръати 104,2 фоизни, маҳсулот ҳажми 22 триллион сўмни ташкил этди.



Бу кўрсаткичлар Сурхондарё иқтисодиётида анъанавий тармоқлар билан бир қаторда хизмат кўрсатиш, қурилиш ва саноатнинг ҳам аҳамияти ортиб бораётганини англатади. Воҳанинг табиий имкониятлари, меҳнат ресурслари ва тадбиркорлик салоҳиятидан самарали фойдаланиш иқтисодий фаолиятни янада диверсификация қилиш учун замин яратмоқда. Энг муҳими, ушбу ўсишнинг аҳоли бандлиги, даромадлари ва турмуш фаровонлигида акс этиши тараққиётнинг асосий мезони бўлиб қолмоқда.

Ислоҳотларнинг энг муҳим мезонларидан бири одамларни иш билан таъминлаб даромадли қилиш, ҳар бир оиланинг иқтисодий имкониятларини кенгайтиришдир. Шу маънода, Сурхондарёда камбағалликни қисқартириш борасидаги ишлар аҳолига моддий кўмак бериш билан чекланмай, барқарор даромад манбаларини яратиш, бандликни таъминлаш орқали уларнинг ўзлари ҳалол меҳнатлари билан фаровон ҳаёт қуришига шароит яратиб бермоқда. 2026 йил январь-сентябрь ойларида 61,4 минг нафар аҳоли доимий иш ўрнига эга бўлди. Натижада белгиланган 53,7 минг нафарлик режа 114,2 фоизга бажарилди. Туманлар кесимидаги натижалар ҳам эътиборга молик. Музработ туманида 4 минг нафар аҳоли иш билан таъминланиб, режа 142 фоизга, Термиз шаҳрида 2,7 минг нафар аҳоли бандлиги таъминланиб, режа 127 фоизга, Ангор туманида эса 3,4 минг нафар аҳоли доимий иш ўрнига эга бўлиб, режа 127 фоизга бажарилди. Бу рақамларнинг ҳар бири ортида янги иш бошлаган инсон, оиласи даромади учун муносиб манба топган фуқаро, эртанги кунга ишончи мустаҳкамланаётган оила турибди. Шунингдек, амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида 384 минг нафар фуқаронинг даромадлари сезиларли даражада оширилгани аҳоли фаровонлигини юксалтириш йўлидаги муҳим натижалардан биридир. Бандликнинг таъминланиши ва даромад манбаларининг кенгайиши нафақат оилаларнинг моддий аҳволини яхшилайди, балки маҳаллаларда иқтисодий фаолликни ошириш, истеъмол бозорини ривожлантириш ва ижтимоий барқарорликни мустаҳкамлашга ҳам хизмат қилади. Шу боис мазкур натижаларни воҳа хонадонларига қут-барака ва тўкинлик олиб кириш йўлидаги амалий қадамлар сифатида баҳолаш мумкин.

ИНВЕСТИЦИЯ — ТАРАҚҚИЁТ ГАРОВИ

Сурхондарёнинг сармоявий муҳити бугун воҳанинг иқтисодий салоҳиятини юксалтириш, янги ишлаб чиқариш қувватларини барпо этиш ва аҳоли бандлигини таъминлашда муҳим омилга айланмоқда. Табиий ва иқтисодий имкониятлар, мавжуд хомашё ресурслари ҳамда янги лойиҳаларни юзага чиқариш учун яратилаётган шароитлар хорижий сармоядорлар эътиборини тортмоқда. Инвестиция дастури доирасида 1,4 миллиард долларлик хорижий инвестициялар ўзлаштирилиб, бу кўрсаткич ўтган даврларга нисбатан 2,9 баробарга ўсди. Ҳудудий дастур доирасида эса олти ой давомида 111 та лойиҳа ишга туширилиб, 2 230 та янги иш ўрни яратилди. Умумий ҳудудий инвестиция лойиҳалари доирасида 135,5 миллион долларлик 112 та лойиҳанинг ишга туширилиши ҳам воҳанинг ишлаб чиқариш ва тадбиркорлик салоҳиятини кенгайтиришга хизмат қилмоқда. Ушбу лойиҳалар натижасида яна 2,2 мингта иш ўрни яратилиши кўзда тутилган. Сармоявий фаолликнинг яна бир муҳим жиҳати ишлаб чиқаришга замонавий технологияларни жорий этишдир. Соҳага 87 миллион доллар маблағ йўналтирилиб, 72 та янги технологик ускуна олиб келинди. Улар бўйича 120 миллиард сўмлик божхона имтиёзларининг қўлланилиши корхоналарнинг технологик имкониятларини кенгайтириш ва ишлаб чиқаришни модернизация қилиш учун қўшимча шароит яратди. Энг муҳими, инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш жараёнида тадбиркорларнинг муаммолари ҳам эътибордан четда қолмаяпти. Турли сабабларга кўра фойдаланилмаётган 11 та технологик ускунанинг ҳолати бирма-бир ўрганилиб, уларни ишга тушириш ва корхоналар фаолиятини қўллаб-қувватлаш бўйича амалий кўмак чоралари кўрилди. Бу ёндашув сармоявий муҳитнинг фақат янги маблағ жалб қилиш билан эмас, балки мавжуд ресурслардан самарали фойдаланиш, тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ва юзага келган тўсиқларни бартараф этиш билан ҳам белгиланишини кўрсатади.

МИНГ ЭШИТГАНДАН, БИР КЎРГАН АФЗАЛ

Жойига чиқиб ўрганиш аҳоли муаммолари ечимининг энг самарали йўлидир. Одамларни йиллар давомида қийнаб келган ички йўллар, транспорт инфратузилмаси ва йўловчи ташиш сифати билан боғлиқ масалалар воҳада шу тариқа ҳал этилмоқда. Бу кундалик ҳаётдаги қулайликларни оширишга хизмат қилмоқда. Жойларда тадбиркорлар билан учрашувлар, уларнинг муаммоларини тинглаш, ижтимоий соҳа объектларидаги қурилиш ва таъмирлаш ишларининг сифатини назорат қилиш орқали амалий натижага эришилмоқда. “Минг эшитгандан бир кўрган афзал”, деган доно нақлнинг маъниси шу. Муаммолар кабинетларда эмас, ҳаётнинг ўзида ҳал этилиши лозим. Янги Ўзбекистон ислоҳотларининг самарадорлиги шунда. Инфратузилмани яхшилаш, аҳолига қулай шароит яратиш ва одамларнинг оғирини енгил қилишга қаратилган бунёдкорлик ишлари бугун Сурхондарёнинг турли ҳудудларида давом этмоқда. Жорий йилда вилоятда барча дастурлар ҳисобидан жами 955 та объектда қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда. Ушбу мақсадлар учун давлат бюджетидан 4,1 триллион сўм маблағ ажратилган. Ҳозирги кунга қадар инвестиция дастури доирасидаги 170 та объектдан 95 таси фойдаланишга топширилди. Бу объектлар фаолиятининг йўлга қўйилиши аҳоли учун зарур шароитларни яхшилаш, ҳудудлардаги инфратузилмавий эҳтиёжларни қондириш борасидаги ишлар изчил давом этаётганини кўрсатади. Вилоятда 440 километр йўлнинг таъмирлангани, шундан 94 та маҳалладаги 183 километр ички йўлнинг ҳашар орқали, аҳоли ва давлат ҳамжиҳатлигида асфальтлангани алоҳида аҳамиятга эга. Бу ишлар нафақат маҳаллалар қиёфасини ўзгартирмоқда, балки одамларнинг ўз ҳудуди ободлигига дахлдорлик туйғусини, ҳамжиҳатлик ва ҳамкорлик анъаналарини ҳам мустаҳкамламоқда. Ислоҳотларнинг самараси фақат қурилган бинолар ёки таъмирланган йўллар билан эмас, балки одамларнинг кундалик ҳаётидаги ўзгаришлар, муаммоларининг ҳал этилиши ва давлат идораларига бўлган ишончи билан ҳам ўлчанади. 2026 йил 1 октябрь ҳолатига кўра, Президентнинг Виртуал ва Халқ қабулхоналарига Сурхондарё вилоятидан жами 67 375 та мурожаат келиб тушган. Уларнинг 55 819 таси, яъни 82,8 фоизи тўлиқ кўриб чиқилган, кўриб чиқилган мурожаатларнинг 23 039 таси ёки 41,3 фоизи ижобий ҳал этилган. Шу билан бирга, мурожаатлар сони 2025 йилнинг мос давридаги 68 385 тага нисбатан 1 008 тага камайган. Бу шуни кўрсатадики, муаммолар энди юқорига чиқмасдан, жойнинг ўзида, халқ ичида ўз ечимини топмоқда. Давлат идоралари халққа бегона эмас, балки унинг ҳақиқий кўмакчисига айланиб бормоқда.

САЙЁҲЛИК — ВОҲАНИНГ ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАРИ

Сурхондарё нафақат бой тарихи ва иқтисодий салоҳияти, балки бетакрор табиати билан ҳам дунё аҳлини ўзига ром этиб келган. Бойсун тоғларининг салобати, Сариосиё ва Сангардакнинг сўлим табиати, воҳанинг қуёшли иқлими ҳамда ўзига хос маданий муҳити сайёҳлар учун жозибадордир. Бугун экотуризм ва тоғ туризми йўналишларида янги имкониятлар очилиб, Сурхондарёнинг халқаро туристик макон сифатидаги салоҳияти тобора кенгаймоқда. Воҳага ташриф буюраётган сайёҳлар



сонининг ортиб бораётгани ҳам бу қизиқишнинг амалий ифодасидир. Жорий даврда 464 минг нафар хорижий сайёҳ ташриф буюриб, уларнинг сони ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 111 фоизлик кўрсаткични ташкил этди. Маҳаллий сайёҳлар сони эса 1,8 миллион нафарга етиб, ўтган йилга нисбатан 184 фоизлик кўрсаткич қайд этилди. Бу эса воҳанинг нафақат хорижлик меҳмонлар, балки юртимиз аҳолиси учун ҳам тобора жозибадор саёҳат манзилига айланаётганини кўрсатади. Сайёҳлар оқимининг ортиши туризм хизматлари бозорига ҳам ижобий таъсир кўрсатмоқда. Хусусан, туризм экспорти хизматлари уч баробарга ошиб, 32 миллион долларни ташкил этди. Бугун воҳада 800 дан зиёд савдо ва сервис объекти фаолият юритмоқда. Шунингдек, туризм йўналишида бешта жойлаштириш воситасининг фаолияти йўлга қўйилди. Бу каби ташаббуслар сайёҳларга қулай шароит яратиш, уларга кўрсатиладиган хизматлар кўламини кенгайтириш ва маҳаллий тадбиркорликни ривожлантиришда муҳим ўрин тутади. Айниқса, гўзал Сангардак туристик марказида қиймати 11 миллион евро бўлган, узунлиги 1 558 метрлик замонавий осма дор йўлининг фойдаланишга топширилиши воҳа туризм инфратузилмасидаги эътиборга молик янгиликлардан бири бўлди. Тоғ манзараларини юқоридан томоша қилиш имконини берувчи мазкур иншоот Сангардакнинг сайёҳлик жозибасини янада ошириш, ташриф буюрувчиларга янги таассуротлар улашиш ва ҳудудда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш учун қўшимча имкониятлар яратади. Туризм соҳасида хизматлар сифатини ошириш ва меҳмонларни муносиб кутиб олиш учун жойлаштириш инфратузилмасининг ривожланиши ҳам муҳим. Вилоятдаги 172 та меҳмонхонанинг 19 тасида халқаро юлдуз тоифалари мавжудлиги бу йўналишда муайян тажриба ва салоҳият шаклланаётганидан далолат беради. Сайёҳликнинг барқарор ривожи нафақат табиий гўзалликлар ва тарихий обидаларга, балки қулай меҳмонхоналар, сифатли сервис, транспорт имкониятлари ва меҳмондўстлик муҳитига ҳам боғлиқ. Сурхондарёнинг туристик салоҳиятини тўлиқ намоён этиш эса унинг табиий ва маданий бойликларини замонавий хизматлар билан уйғунлаштиришни тақозо этади. Ҳар бир янги туристик маскан, ҳар бир қулайлик ва ҳар бир сифатли хизмат воҳага бўлган қизиқишни ошириш билан бирга, маҳаллий аҳоли учун ҳам янги даромад манбалари ва тадбиркорлик имкониятларини юзага чиқаради. Ана шу жиҳатдан қараганда, сайёҳлик Сурхондарёнинг иқтисодий тараққиёти, ҳудудлар ободлиги ва миллий қадриятларимизни кенг тарғиб этишга хизмат қилувчи муҳим йўналишлардан бирига айланмоқда.

ИНСОН ҚАДРИ – ОЛИЙ МЕЗОН

Сурхондарё ўзининг тўкин-сочинлиги, эртапишар мева-сабзавотлари ва серҳосил далалари билан нафақат воҳа аҳолисини, балки бутун республика дастурхонини ноз-неъматлар билан таъминлашда муҳим ўрин тутадиган заминдир. Қуёшли иқлим, унумдор тупроқ ва деҳқонларнинг кўп асрлик тажрибаси бу ҳудудда қишлоқ хўжалигини иқтисодиётнинг етакчи тармоқларидан бирига айлантирган. Бугун эса аграр соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар замин саховатини замонавий технологиялар, инновацион ёндашувлар ва янги инвестиция лойиҳалари билан уйғунлаштирмоқда.

2026 йилнинг дастлабки тўққиз ойида вилоятда қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжаликларида 31,4 триллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, ўсиш суръати 104,6 фоизни ташкил этди. Аҳоли жон бошига тўғри келадиган маҳсулот ҳажми эса 10,2 миллион сўмга етди. Бу кўрсаткичлар воҳада аграр тармоқнинг иқтисодий аҳамияти сақланиб қолаётгани, мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш ва ишлаб чиқариш ҳажмини оширишга қаратилган саъй-ҳаракатлар давом этаётганини кўрсатади. Йил якунига қадар деҳқончилик йўналишида умумий қиймати 1 триллион сўмлик 36 та, чорвачилик йўналишида эса 398 миллиард сўмлик 7 та янги лойиҳани ишга тушириш режалаштирилган. Ушбу ташаббуслар ишлаб чиқариш имкониятларини кенгайтириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлашни ривожлантириш, қўшимча иш ўринлари яратишга хизмат қилиши кутилмоқда. Энг муҳими, аграр соҳадаги бундай лойиҳаларнинг самараси маҳсулотлар мўл-кўлчилиги, бозор таъминотининг яхшиланиши ва аҳоли даромадларининг ортишида ҳам намоён бўлиши лозим. Сурхондарё деҳқонининг ерга меҳри, чорвадорнинг машаққатли меҳнати ва тадбиркорнинг ташаббуси воҳа фаровонлигини таъминловчи муҳим кучдир. Қишлоқ хўжалигидаги ҳар бир янги лойиҳа, ҳар бир қўшимча иш ўрни ва ҳар бир самарали ташаббус ортида инсон меҳнати, оила ризқи ва эртанги кунга бўлган умид мужассам. Шу боис аграр соҳанинг ривожи нафақат иқтисодий кўрсаткичлар, балки одамлар ҳаётига олиб кирадиган амалий манфаатлари билан ҳам аҳамиятлидир. Сурхондарё вилоятида кечаётган кенг кўламли янгиланишларни шу нуқтаи назардан баҳолаш лозим. Бу жараёнлар қуруқ статистика ёки рақамлардан иборат ҳисобот эмас. Уларнинг мазмуни одамларнинг турмуш шароити яхшиланиши, оилаларнинг даромади кўпайиши, болаларнинг таълим олиши ва камол топиши учун янги имкониятлар яратилиши, нуроний-ларнинг хотиржам ҳаётида намоён бўлади.

“Янги Ўзбекистон — инсон қадри улуғланган юрт” деган ғоянинг мазмун-моҳияти, аввало, инсон манфаатларини устувор қўйиш, унинг муносиб ҳаёт кечириши учун шароит яратишда намоён бўлади. Сурхондарёдаги бунёдкорлик ишлари, иқтисодий ташаббуслар ва ижтимоий ўзгаришларнинг қадри ҳам улар одамлар ҳаётида қандай натижа бераётгани билан белгиланади. Эски муаммоларни босқичма-босқич ҳал этиб, янги марралар сари интилаётган жануб гавҳари — Сурхондарёнинг бугунги қиёфаси меҳнаткаш воҳа аҳлининг азму шижоати, яратувчанлиги ва келажакка ишончини ўзида мужассам этади. Тарихи буюк, табиати бетакрор, меҳнаткаш халқи билан азалдан қадрли бўлган бу заминнинг эртанги куни ҳам ана шу инсон омилига боғлиқ. Чунки обод юртнинг энг катта бойлиги унинг бунёдкор инсонлари, энг катта ютуғи эса одамлар ҳаётида қарор топган фаровонликдир.

Саидвафо БОБОЕВ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.

УЮШМА ФАОЛИЯТИДАН

ИЖОДИЙ КЕНГАШЛАР ФАОЛИЯТИ ЯНГИ БОСҚИЧДА



Ўзбекистон Журналистлар уюшмасида Ижодий кенгаш раҳбарлари иштирокида йиғилиш бўлиб ўтди. Унда Кенгашлар фаолиятини такомиллаштириш юзасидан фикр алмашилди.

Йиғилишда ижодий лойиҳалар, танлов ва тадбирларга муносиб номзодларни тавсия этиш, устоз журналистларнинг маҳорат дарсларини ташкил қилиш, ёш журналистларни қўллаб-қувватлаш ҳамда уларни Уюшма аъзолигига жалб этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Мулоқот якунида 2027 йилда Ижодий кенгашлар ишини янгича асосда ташкил этишга доир вазифалар белгилаб олинди.

ЭКОЖУРНАЛИСТЛАР КЕНГАШИ

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Экожурналистлар кенгаши фаолиятига бағишланган мулоқот бўлиб ўтди.

Унда Уюшма раисининг ўринбосари Шаҳрибону Имомова, Экожурналистлар кенгаши раҳбари Наргис Қосимова, Хавфли чиқиндиларни бошқариш дирекцияси ходимлари, журналистлар, блогерлар ва талаба-ёшлар иштирок этди.

Учрашувда экологик муаммоларни ОАВда кенг ёритиш, соҳа мутахассислари билан ҳамкорликда тадбирлар ва пресс-турлар ташкил этиш, ҳудудий журналистларни кенгаш фаолиятига жалб қилиш масалалари муҳокама қилинди.



Шунингдек, иштирокчилар ўртасида мунтазам мулоқот ўрнатиш, ҳар ой амалга оширилган ишлар юзасидан фикр алмашиш ва ҳамкорликни мустаҳкамлашга келишиб олинди.

“РАҲБАР ВА ЁШЛАР” УЧРАШУВИ



Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси раиси Шуҳрат Орипов Қорақалпоқ давлат университетининг қорақалпоқ филологияси ва журналистика факультети талабалари билан учрашди.

Мулоқотда Уюшма томонидан ёш журналистларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг касбий маҳоратини ошириш, бандлигини таъминлаш ҳамда ижодий салоҳиятини юзага чиқариш борасида олиб борилаётган ишлар ҳақида маълумот берилди.

Хусусан, ўтказилаётган танловлар, ёш журналистлар учун яратилаётган имкониятлар ва ҳудудларда ташкил этилаётган маҳорат мактабларининг аҳамияти ҳақида сўз юритилди.

КАСБ ЭТИКАСИ КОДЕКСИ ЛОЙИҲАСИ МУҲОКАМАДА

Термиз шаҳридаги “Сурхон тонги” ва “Заря Сурхана” газеталари бирлашган таҳририятида “Ўзбекистон журналистларининг касбий этикаси кодекси” лойиҳаси тақдимоти ва жамоатчилик муҳокамаси бўлиб ўтди.



Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Сурхондарё вилояти бўлими томонидан ташкил этилган тадбирда ОАВ вакиллари ва соҳа мутахассислари иштирок этди.

Тадбирда Уюшманинг Медиа таълим лойиҳалари бўлими бошлиғи Нозима Тошпўлатова Кодекс лойиҳасининг мазмун-моҳияти ва асосий тамойиллари ҳақида маълумот берди.

Муҳокама давомида журналистлар лойиҳа юзасидан ўз таклиф ва мулоҳазаларини билдиришди.

БЎЛИМЛАРГА ЯНГИ РАҲБАРЛАР САЙЛАНДИ

Ўзбекистон Журналистлар уюшмасининг Андижон вилояти бўлимининг навбатдаги умумий мажлиси бўлиб ўтди.

Унда “Андижон телерадиоканали” ДМ директори ўринбосари Зуфаров Иброҳимжон Хонтураевич Уюшманинг вилоят бўлими раиси вазифасини бажарувчи этиб сайланди.

* * *

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Сирдарё вилояти бўлимининг умумий йиғилишида бўлим фаолиятини янада ривожлантириш, келгусидаги вазифалар ва иш самарадорлигини ошириш масалалари муҳокама қилинди.

Йиғилишда Сирдарё вилояти телеканали бош муҳаррири, Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси Файзулла Бободўстов Уюшманинг Сирдарё вилояти бўлими раиси этиб сайланди.

НУКУСДА ДАУЛЕТБАЙ БЕКБАУЛИЕВ МАҲОРАТ МАКТАБИ

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти Нукус филиалида таниқли журналист Даулетбай Бекбаулиев маҳорат мактабининг очилиш маросими бўлиб ўтди.



Тадбирда Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси бошқарув раиси Шуҳрат Орипов, филиал директори Қуанышбай Юсупов, уюшманинг Қорақалпоғистон бўлими раиси Дауит Абибуллаев, олий таълим муассасалари талабалари ҳамда иқтидорли ўқувчилар иштирок этди.

Ушбу маҳорат мактаби санъат журналистикаси йўналишида фаолият олиб боради. Унда ёшларга мақола ёзиш, телекўрсатув ва радиоэшиттиришлар тайёрлаш, киносценарий ҳамда пьеса яратиш бўйича билим ва кўникмалар берилади.

Ўзбекистон Журналистлари уюшмаси Ахборот хизмати.

1-6.

ТАКЛИФ ЎЗИМИЗДАН ЧИҚИШИ КЕРАК

Бу майдонда нима гаплар?



Кейинги уч-тўрт йилда Тошкент вилоятининг Қибрай ва Ўрта Чирчиқ туманлари, Чирчиқ, Нурафшон, Янгийўл ҳамда Олмалиқ шаҳарларидан медиа майдонида номақбул чиқишлар, ўйламасдан айтилган гаплар билан жамоатчиликни чалғитувчи айрим блогерлар пайдо бўлди. Нега айнан шу ҳудудлар? Нега бошқаларида эмас? Шу саволга жавоб излаб, вазиятни ўрганишга ҳаракат қилдик. Қизиғи, уларнинг барчасида бир умумий манзарани кўрдик: маҳаллий нашр атрофидаги ахборот муҳити инқирозга учраган. Қаердадир собиқ муҳаррир ўз лавозимини ўғлига топширган, яна бир шаҳарда эса муҳаррир ўз ўрнига газетада бир кун ҳам ишламаган қизини тайинлатишга эришган. Учинчи жойда эса йиллар давомида муҳаррир ва жамоа ўртасида низоли ҳолат ҳукм сурган. Оқибатда муҳаррир ишдан кетса-да, бироқ соғлом ижодий муҳит аллақачон бой берилган эди. Бошқаларида эса қариндош-уруғчилик, оилавий бошқарув ҳамда муассис ва муҳаррир қарама-қаршилиги сақланиб қолмоқда.

Бу тасодиф эмас. Занжир шундай ишлайди: муҳаррир лавозими касбий мезон билан эмас, ошнаоғайнигарчилик ва қариндошлик ришталари билан эгалланса, таҳририятга жасоратли ва малакали журналист келмайди. Малакали журналисти бўлмаган таҳририят ҳудуддаги муаммони биринчи бўлиб кўтариб чиқа олмайди, ўз шаҳри ёки туманидаги нотўғри гапга ўз вақтида далил билан раддия беролмайди. Аҳолининг саволи жавобсиз қолади. Жавобсиз қолган саволни эса медиа майдонига энди кириб келаётган сохта ҳақиқатпарвар илиб олади.

Давлат ахборот сиёсатининг туман бўғини бундай кучлар қаршисида ожиз қолди, айрим ҳолларда эса улар билан чатишиб кетди. Оқибатда айнан шу ҳудудлардан кейинчалик вилоят ва республика миқёсида шов-шувли, асоссиз чиқишлари билан танилган медиа шахслар етишиб чиқди.

Шундай қилиб, умумий мулоҳазалардан амалий таклифларга ўтайлик.

МУҲАРРИР ЛАВОЗИМИ ШАХСИЙ ВАЗИФАГА АЙЛАНМАСИН...

Рақамли даврда маҳаллий муҳаррир ихтиёрида газета бренди, сайт, ижтимоий тармоқлар, аудитория, ахборот манбалари ва реклама бозорига чиқиш имконияти жамланади. Унинг аҳамияти пасаймади, аксинча, ортди. Лекин айни шу таъсир воситаси тобора шахсийлашиб кетмоқда. Юқоридаги мисоллар кўрсатганидек, лавозим мерос сифатида фарзандга ўтадиган жойда таҳририят мустақил институт эмас, балки оилавий хўжаликка айланади.

Ахборот мактаби яратиш бошқа, ахборот майдонини ўз мулкидек тасарруф этиш тамомила бошқа. Кучли муҳаррир ўз атрофида шогирдлар, янги журналистлар, таҳлилчилар етиштирса, ҳақиқий ижодий мактаб яратади. Агар у кетганда ортидан на кадр, на аккаунт, на манба ва на аудитория қолса, демак, институт эмас, шахсий манфаат тизими шаклланган бўлади.

Бироқ муаммони “ҳаммани алмаштирамиз” деган маъмурий ротация билан ҳал қилиш хавфли: бу муҳаррирни ўз сўзи ва нуқтаи назарига эга раҳбардан жазодан қўрқадиган итоаткор ижрочига айлантириб қўяди. Ротация жазо қуроли эмас, янгиланиш механизми бўлиши керак.

Ечим. Маҳаллий таҳририятлар раҳбарларининг фаолияти мустақил соҳа экспертлари иштирокида холис ўрганилиши керак. Муҳаррир лавозимига очиқ танлов орқали тайинлаш, манфаатлар тўқнашувини ошкор қилиш ва истиқболли кадрлар захирасини шакллантириш тартиби жорий этилса. Муҳаррир ишини баҳолаш мезони эса “ҳокимият ҳақида нечта ижобий материал чиқарди?” деган ёндашув билан эмас, балки “таҳририят қандай иқтидорли кадрларни камолга етказди, аудитория ишончи ошдими, тушумлар ва рақамли активлар шаффофми?” деган талаблар бўлиши лозим.

РАҚАМЛИ АУДИТ ЭҲТИЁЖИ

Кўпгина таҳририятларда “Instagram”, “Facebook”, “YouTube” тармоқларидаги саҳифалар муҳаррир ёки бирор ходимнинг шахсий телефон рақами ва почтасига очилган. Саҳифанинг номи — газетанинг расмий номи. Контентни бутун жамоа тайёрлайди. Аудитория нашрнинг обрў-эътибори ҳисобига тўпланади. Аммо паролни тиклаш учун тасдиқловчи SMS бир кишининг шахсий телефонига келади.

Ахборот хавфсизлиги нуқтаи назаридан бу — жиддий заифлик. Давлат муассислигидаги нашрнинг минглаб обуначига эга расмий ресурси биргина шахснинг қурилмасига боғлиқ бўлиб қолмоқда. Ўша ходим ишдан кетса, таҳририят билан низолашса ёки унинг қурилмаси бузиб кирилса, канал билан бирга йиғилган улкан аудитория ҳам йўқолади ёхуд бегона қўлларга ўтади.

Бунинг учун барча муҳаррирларни айблаш адолатдан эмас: агар расмий тартиб ноқулай бўлиб, норасмий йўл қулайроқ қилиб қўйилган бўлса, муаммо алоҳида шахслардан кўра кенгроқ кўламга эга бўлади. Ваҳоланки, платформаларнинг ўзида тайёр техник имкониятлар мавжуд: “Meta” ҳам, “YouTube” ҳам саҳифани бир неча ходим турли бошқарув ҳуқуқи билан юритишига шароит яратган. Демак, муаммо технологияда эмас, балки бошқарув маданиятида.

Ечим. Давлат муассислигидаги нашрларнинг барча рақамли активлари хатловдан ўтказилиб, таҳририятнинг хизмат почтаси ва телефон рақамига қайта бириктирилиши керак. Ҳар бир аккаунтда камида икки нафар администратор ва икки босқичли ҳимоя тизими жорий қилинса, мақсадга молик бўлар эди. Ходим ишдан бўшаганда, унинг тизимга кириш ҳуқуқи шу куннинг ўзидаёқ расмий қабул қилиш-топшириш далолатномаси асосида тўхтатилади. Шунда муҳаррир кетади — институт эса яшайверади.

Таҳририят номи билан йиғилган аудитория муҳаррирнинг шахсий мероси эмас. У жамоатчилик ахборот институтининг қимматли рақамли активидир.

НОҚУЛАЙ ҚОИДАЛАР

Оққўрғон тумани газетаси қошида 12 900 нафар обуначига эга каналимиз бўлар эди, унда бир марталик реклама нархи 400 минг сўмгача етган. Харидор тўловни пластик картага ўтказиш таклифини берди. Биз эса давлат муассасаси фаолиятини шахсий банк картаси орқали юритишни истамадик. Канал фаолиятини вақтинча тўхтатдик. Гарчи аудитория бор эди, тайёр маҳсулот бор эди, талаб бор эди. Бироқ институционал, расмий ҳисоб-китоб механизми йўқ эди.

Бу ердаги мантиқ жуда оддий: қонуний йўл бўлмаса, ҳалол одам ишни тўхтатади, нохолиси эса хуфия давом эттираверади. Маблағ шахсий карталарга тушади, аста-секин “иш ичида иш” шаклланади, таҳририят эса яна “маблағ йўқ” деб қўл қовуштириб ўтираверади. Ҳолбуки, тўлов инфратузилмаси аллақачон мавжуд: 2026 йил 1 июлдан юридик шахслар учун ягона “UzQR” тизими амалиётга киритилган. Фақатгина маҳаллий таҳририятнинг устави, фаолият йўналишлари ва ҳисоб-китоб тартибини ушбу замонавий имкониятларга мослаштириш талаб этилади, холос.

Ечим. Маҳаллий ОАВ учун реклама ва рақамли хизматлардан келадиган тушумларни расмий ҳисобварақ орқали қабул қилиш ҳамда таҳририят моддий-техник базасини ривожлантиришга йўналтиришнинг намунавий модели ишлаб чиқилиши керак. Унда реклама маҳсулотларини таҳририй контентдан аниқ ажратиб кўрсатиш талаби ҳам қатъий белгиланиши лозим. Мақсад нашрни оддий савдо нуқтасига айлантириш эмас, балки аллақачон шаклланган маҳаллий медиа бозорини шахсий карталардан расмий таҳририят иқтисодиётига ўтказишдир.

МАТБУОТГА ДАЛИЛЛАРНИ ҚАЙТАРИШ КЕРАК

Туман журналисти (*бошқа журналистлар ҳам* — Б.Қ.) бевосита одамлар билан ишлайди, аммо очиқ рақамлар ва аниқ далиллар билан ишлашнинг тизимли кўникмасига эга эмас. Статистика идорасида ҳам, ҳокимликда ҳам маълумотлар етарли, бироқ улар журналистнинг кундалик иш қуролига айланмаган. Президентимизнинг 2026 йил 10 сентябрдаги ПФ-190-сон Фармони билан тасдиқланган “Статистикани ривожлантириш — 2030” миллий стратегияси айнан маълумотлар очиқлиги ва ишончлилигини оширишни мақсад қилган. Демак, марказда сиёсий ирода ва тизим бор, туманда эса уни журналистга етказиб берувчи ишчи занжир йўқ.

Бунинг оқибати ахборот майдонида яққол кўринади. Рақам ва фактларга таянмаган журналист фақат ҳис-туйғу ва таассурот билан чекланади, таассуротлар майдонида эса доимо арзон шов-шув усталари ғолиб чиқади. Сохта ҳақиқатпарварнинг кучи далилда эмас, балки расмий далилларнинг йўқлигидадир. “Туман саноати ўсди” деган қуруқ рақамнинг ўзи ҳали тўлақонли материал эмас; бироқ унинг ортида қайси янги корхона, нечта янги иш ўрни ва қанча оиланинг фаровонлиги турганини таҳлил қилиб берган маҳаллий журналист ҳар қандай асоссиз иддаодан устун туради.

Ечим. Туман статистика бўлими томонидан ҳар ойлик, чораклик ва ярим йиллик статистик кўрсаткичларни маҳаллий нашрга мажбурий тарзда тақдим этиб бориш тартиби жорий этилиши зарур. Шунингдек, вилоят статистика бошқармаси чоракда бир марта ҳудудий муҳаррирлар учун вилоятнинг умумий иқтисодий-ижтимоий статистикасини мунтазам етказиб туриши лозим. Зеро, ҳар бир ҳодисанинг моҳияти қиёслаганда кўринади. Муҳаррир қўшни ҳудудлар билан аҳволни қиёсий таҳлил қилиб, чуқур контент тайёрлаши учун бу муҳим омилдир. Бу тартиб журналистни ҳар бир рақамни расмий хат орқали сўраб юриш оворагарчилигидан халос қилади ҳамда маҳаллий ахборот муҳитига далиллар устуворлигини қайтаради.

ҲУДУДЛАРДА ИСЛОҲОТЛАР АРХИВИ ИЗСИЗ ЙЎҚОЛМОҚДА

Битта туман матбуот котибининг телефонида бир йил ичида минглаб фото ва видеоматериаллар жамланади: йўл қурилиши, янги мактаб биноси, маҳалла кўчасининг аввалги қиёфаси, кекса авлод вакиллари билан суҳбатлар... Бугун булар фақат ижтимоий тармоқ контенти бўлса, ўттиз йилдан сўнг бебаҳо тарихий ҳужжатга айланади. Аммо телефон алмашади, матбуот котиби ишдан кетади; ижтимоий тармоқда пост қолса-да, унинг юқори сифатли асл файли, муаллифи, олинган санаси ва аниқ жойи йўқолади.

Ҳуқуқий асос мавжуд: 2025 йил 24 ноябрдаги ПФ-228-сон Фармон архив ишини рақамлаштиришни, Вазирлар Маҳкамасининг 2026 йил 30 июндаги 352-сон қарори эса архив ҳужжатларини Ягона миллий архив ахборот тизимида сақлашни белгилаб берган. Демак, муаммо қонунчиликда эмас, кундалик амалий механизмнинг йўқлигида. Электрон материалларни архивга топшириш муддатининг узоқлиги (йиллик даврийлик) ҳам қимматли тарихий кадрларнинг шахсий телефон хотирасидан ўчиб кетишига сабаб бўлмоқда.

Ечим. “Ўзархив” агентлиги билан ҳамкорликда матбуот хизматлари ва таҳририятлар учун иччам “рақамли хотира” тартиби ишлаб чиқилса, олам гулистон: қимматли материаллар саралаб олинади, санаси, жойи, муаллифи ҳамда муаллифлик ҳуқуқи эгаси қайд этилади ва асл нусха белгиланган қисқа муддатларда архивга топширилади. Шунда матбуот котиби фақат бугунги кун пости учун эмас, эртанги тарих учун ҳам хизмат қилган бўлади.

МАҲАЛЛА МЕДИАСИ БОР, ЛЕКИН...

Бир вақтлар қишлоқ ва туман радиоузеллари фаолият юритган. Улар асосан тарғибот вазифасини бажарган ва бугунги кунда бу эски моделни қайта тиклашга эҳтиёж йўқ. Лекин ўша тизимнинг битта катта ютуғи бор эди: маҳаллий ахборот маҳаллий аҳолига тез ва бевосита етиб борарди. Бугун маҳалла миқёсида бу вазифа қандай бажарилаётганини ҳеч ким назорат қилмайди — кўпинча бу майдонни ҳеч ким олдида масъулияти бўлмаган тармоқ саҳифалари эгаллаб олган.

Ҳар бир маҳаллага давлат бюджети ҳисобидан блогер штатини киритиш самара бермайди: бу яна қуруқ ҳисобот учун расмиятчилик контентини ишлаб чиқарадиган тизимни пайдо қилади, аҳоли эса бундай сунъий тарғиботга ишонмайди. Ишончли тармоқ штат бирликлари билан эмас, ижодий мактаб орқали шакллантирилади.

Ечим. Туман таҳририяти ҳузурида маҳалла жамоатчи мухбирлари (медиакорреспондентлари) тармоғи ташкил этилса. Профессионал муҳаррир 20-50 нафар фаол ёш, ўқитувчи ва кутубхоначилар билан ишлаб, уларни бирламчи манба билан ишлаш, фактчекинг (фактларни текшириш), медиаэтика ва сунъий интеллект яратган контентни фарқлашга ўргатади. Ҳудудларга доир “Telegram” каналлар шу йўл орқали профессионал тармоққа айланади ва маҳаллага қўшимча даромад келтиради. Бугунги кунда маҳаллий қишлоқ “Telegram” ва “Instagram” каналларида 3 мингдан 15 минг нафаргача фаол аудитория бор. Уларда реклама ва эълонлар бериш пулли хизмати йўлга қўйилган бўлиб, ойлик даромад ўртача 3-5 миллион сўмни ташкил этмоқда.

Бу тармоқнинг табиий таянчи маҳалладаги ёшлар етакчисидир. Янги штат очиш ёки унинг вазифаларини қайта белгилаш шарт эмас: етакчи фаол ёшларни жараёнга жалб қилади, таҳририят эса уларни касбий жиҳатдан тайёрлайди. Бунга эҳтиёж ҳам, салоҳият ҳам етарли. Оққўрғон туманининг Ҳамид Олимжон номли маҳалласида ўтказилган дастлабки ўрганишда “YouTube”, “Instagram” ва “TikTok” орқали даромад топаётган 22 нафар фуқаро аниқланди; туман бўйича эса “Instagram” тармоғида 3 мингдан зиёд обуначига эга 100 дан ортиқ фаол аккаунт ишлаб турибди. Бу — видеомонтаж, дизайн, реклама ва “SMM” хизматлари орқали ёшлар бандлигини таъминлаш учун тайёр замин демакдир.

Сунъий интеллект кенг кириб келаётган ҳозирги даврда бу айниқса муҳим. Оддий контентни яратиш арзонлашгани сари муҳаррирнинг қадр-қиммати тез ёзишда эмас, балки ахборотни чуқур текшириш, холис контекст бериш ва янги авлодни тарбиялашда намоён бўлади. Янги давр туман муҳаррири фақат газета чиқарувчи шахс эмас, у туманнинг яхлит ахборот мактабини бошқарувчи соҳа етакчисига айланиши зарур.

ҲУҚУҚ ВА АХБОРОТ

Охирги ўн йилда ахборот соҳасидаги қонунчилик тубдан янгиланди. Конституция янги таҳрирда қабул қилинди, сўз эркинлиги ва ОАВ кафолатлари кенгайтирилди; шахсга доир маълумотлар, блогерлар фаолияти, реклама, ОАВни давлат рўйхатидан ўтказиш ва назорат қилиш тартиблари бир неча бор такомиллаштирилиб, ваколатли идоралар қайта ташкил этилди. Бироқ ушбу муҳим янгиланишлар таҳририятлар ва мустақил контент яратувчиларга содда, тушунарли тилда етказиб берилмади. Улар учун яхлит ва қулай амалий қўлланма тайёрланмади.

Оқибат кўз олдимизда. Туман расмий ахборот бўғини раҳбари, яъни муҳаррир нимани ёзиш мумкин-у, нимани ёзиш мумкин эмаслигини аниқ тасаввур қилолмагани боис ҳар қандай ўткир мавзудан ўзини олиб қочади, сукут сақлашни маъқул кўради. Ёш блогер эса ҳуқуқий чегараларни билмагани учун уларни осонгина бузиб ўтади: шахснинг шахсий маълумотларини ошкор қилади, тасдиқланмаган тахминларни тарқатади, рекламани холис янгилик сифатида тақдим этади. Бири қўрқувдан, иккинчиси билимсизликдан хатога йўл қўяди. Ҳуқуқий саводсизлик эса зиддиятларни кучайтиради: суд можаролари, ўзаро айбловлар ва медиа майдонидаги кескинликлар айнан шунинг оқибатидир.

Масаланинг иккинчи жиҳати ҳам бор: ижтимоий тармоқлардаги баҳс-мунозараларнинг аксарияти аниқ рақамларсиз кечмоқда. Аҳоли, ҳатто зиёлилар ҳам вилоятда қандай объектлар бунёд этилганини, иқтисодий кўрсаткичлар қай даражада ўсганини ва стратегик режалар нимага қаратилганини етарлича билмайди. Рақам ва факт бўлмаган жойда муҳокамалар субъектив таассуротга, таассуротлар эса қуруқ танқидга айланиб қолаверади.

Ечим. Ахборот соҳасидаги амалдаги қонунчилик нормалари бўйича таҳририятлар, матбуот котиблари ва блогерлар учун қисқа, тушунарли тилдаги амалий қўлланма тайёрланиб, бепул тарқатилиши, қонунчиликдаги ҳар бир муҳим ўзгаришдан сўнг янгилаб борилиши керак.

Ушбу қўлланмани кундалик амалиётга татбиқ этишнинг самарали шакли — “Вилоят маълумотнома-блокноти”ни жорий қилишдир. Ҳар бир вилоят ўзининг махсус блокнотини нашр этади. Унинг мукова ва кириш қисмида ҳудуднинг йиллик асосий ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлари, ўсиш суръатлари ва истиқболли режалари акс этади.

* * *

Ушбу ечимларни бир-биридан айро ҳолда эмас, балки яхлит тизим сифатида, аввало, бир-иккита туманда тажриба тариқасида синаб кўриш мақсадга мувофиқ бўларди. Чунки улар — ягона занжирнинг ажралмас бўғинлари: статистика аниқ рақамларни тақдим этади, журналист уларга мантиқий маъно бағишлайди, маҳалла мухбири жонли инсонлар ва аниқ манзилларни топади, рақамли каналлар материални кенг аудиторияга етказади, архив тизими уни тарих учун асраб қолади, қонуний даромадлар тизимни молиявий жиҳатдан мустаҳкамлайди, муҳаррир эса бутун жараённинг юксак касбий стандартини ушлаб туради.

Айтмоқчиманки, бугун бизга навбатдаги расмий қарор билан газеталарни сунъий равишда сақлаб туриш эмас, балки уларнинг эркин ижодий ва иқтисодий фаолият юритишига шароит яратиб бериш керак. Агар муҳаррирга ўз аудиторияси билан қонуний асосда ишлаш имкони яратилса, жамиятда соғлом ахборот муҳити қарор топади, миллий медиа сегментидаги матнларнинг бадиий-эстетик ва интеллектуал савияси тушиб кетмайди.

Шу боис мақсад фақат газеталарни зўрма-зўраки тарзда сақлаб қолиш эмас, балки маҳаллий ахборот инфратузилмасини тубдан соғломлаштириш ва тиклаш керакдир.

Бехзод ҚОБУЛОВ.

СИЙРАТ

Дунёга эзгулик соғинган ИНСОН

Олам мувозанатда. Кундуз — тунсиз, ёз эса қишсиз кемтик. Оқ ва қора, эзгулик ва ёвузлик, ғолиб ва мағлуб мудом рақобатда. Бусиз инсоният тамаддуни тасаввур этилиши ҳам душвор. Шу маънода, одамнинг-да дунёга келиши билан толиб бўлиши — зарурат. Аммо ушбу нозик ҳақиқатларни теран англаш, олам ва одамни бир бутунликда қадрлаш, хатоликларини кечириш, сабоқ олишига умид, ишонч билдириш ҳам кўпларнинг қўлидан келавермаслиги аён. Коронғилик интиҳосида ёруғлик, хатоликлар сабоғида эса ибрат борлигини тушуниш ҳам осон эмас-да, аслида.



Бундай инжа туйғу беғубор болаликда, теран тафаккур эса ҳақиқий донишмандларда бўлиши қадим ҳикматларда бот-бот битилган. Шу маънода, журналистика илмида профессор, филология фанлари доктори Ҳалим Саидовни ана шундай донишманд ва қалбидарё, шогирдларга кечиримли, уларнинг камолотидан доимо умидвор УСТОЗ деб биламан. Бунга илк бор узоқ Нишон туманидаги оддий бир мактабнинг ёш (ҳали 3-курсда ўқиётган талаба) ўқитувчисини республикадаги энг етакчи нашр — “Ma’rifat” газетасига ишга қабул қилишдаги илк самимий суҳбатдаёқ иқрор бўлганман.

Кечагидек ёдимда: олий таълим даргоҳида сиртдан ўқиганим боис, мактабни битирибоқ дастлаб кичикроқ бир ташкилотда чилангар, кейинчалик эса таълим муассасаларида ўқитувчи, туман газетасида мухбир сифатидаги меҳнат фаолиятим давомида кўпгина раҳбарларнинг ходимга “муносабати”ни кўриб улгургандим. Шу боис баҳорги семестр якунлангач, таълимга доир бир-икки хабар ва кичик танқидий қораламамни акаларча тузатиб, таҳрирлаб, “Ma’rifat”да чоп этилишига кўмаклашган бош муҳаррир ўринбосари Икром Бўрибоевга миннатдорлик билдириш учун хонасига кирганимда, у кишининг мени қадрдондек кутиб олганидан кўнглимдаги иккиланишлар бир зумда тумандек тарқаганди. Шундан сўнг, ёзганларимни бош муҳаррир ҳам ўқиб, эътибор қаратганини айтиб: “Юринг, ҳозир хоналарида эдилар”, деб тўғри Ҳалим Саидов билан таништирганди. Шунда илк кўришгандаёқ устознинг ҳеч бир расмиятчиликсиз, самимият билан ишга таклиф этганидан бошим осмонга етгани рост. Бинобарин, бундай таклиф ҳаттоки олий таълим даргоҳини кундузги шаклда ўқиб битирган мутахассисларга ҳам айтилавермаслигини кейинчалик кўп кўрдим...

Устоз билан бўлиб ўтган ўша илк самимий суҳбат сабоғи мени ҳамиша сергаклантириб туради. Зотан, бош муҳаррирнинг барча ходимларга ҳурмат билан муомалада бўлиши, жамоадаги илиқ ва дўстона муҳит, доимо янгиликка интилиш учун берилган рағбат кейинчалик ҳам биз учун ибрат мактаби бўлди.

“Ma’rifat” газетаси таҳририятида фаолият юритган ҳар бир кунимиз аслида ўзига хос ҳикмат ва тажрибаларга бой бўлганини бугун ҳамкасблар билан кўп эслаймиз. Зеро, зиёлилар нашри ҳисобланган “Ma’rifat” — “Учитель Узбекистана” газеталари таҳририятида чин маънода устоз-шогирд анъаналари, катталарга ҳурмат, кичикларга иззат, дўстона муҳит, самимият доимо қадрланганини жамоада ишлаш давомида қалбан ҳис қилиш бахтига мушарраф бўлдик. Бунда бош муҳаррир ва ўринбосарлар ўртасида ёки бўлим муҳаррирлари ва мухбирлар орасида фақат ўзаро ҳурмат, акаукалик ҳамда опа-сингиллик муносабатларидан ўзга, ёлғон ёки ғараз тушунчаси бўлмаганини бугун йиллар ўтиб, яқин ришталар узилмаганида ҳам кўриш, эътироф этиш мумкин. Чунки ўзим ҳам таҳририятда устозимиз берган ўгитлар, ўргатган тажрибалар ҳамда кўрсатган қўллаб-қувватлови асосида салкам ўн икки йиллик фаолиятим давомида оддий мухбирликдан бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари, бош муҳаррир вазифасини бажарувчи лавозимигача бўлган шарафли йўлни босиб ўтганимдан фахрланаман.

* * *

Лекин шунча меҳр, қўллаб-қувватлов ва ишончга зид равишда кўнгилга бир ғашлик соладиган воқеа ҳам айнан ушбу таҳририятдаги фаолиятимда содир бўлганидан чин кўнгилдан хижолат ҳам тортаман. Чунки маълум муддат устоздан сўнг “Ma’rifat” — “Учитель Узбекистана” газеталари таҳририятида бош муҳаррир вазифасини бажарувчи бўлиб, турли гап-сўзлар ва шубҳа-гумонлар ичида янада тобланишимга тўғри келганди. Афсусланарлиси, мазкур воқеалар таниқли журналист, “Меҳнат шуҳрати” ордени соҳиби, бош муҳаррир Ҳалим Саидовнинг туну кун таҳририятни ривожлантириш, унинг нуфузини ошириш борасидаги ўн йилдан ошиқ вақт давомидаги самарали меҳнати мевасини энди кўраётган бир пайтда, тўсатдан бир кунлик алғов-далғовда таҳририятни тарк этишга мажбур бўлганидадир...

Бугунги кунда биринчи ҳукумат даврида оммавий ахборот воситалари фаолиятининг мустақиллиги, сўз ва фикр эркинлиги билан боғлиқ вазиятларга кўпчилик томонидан баҳо берилмоқда, ўзига хос хулосалар чиқарилмоқда. Бунда ўша даврда фаолият кўрсатган давлат ва жамият арбоблари, журналистларнинг фикр-мулоҳазалари ҳамда далиллари жамият тақдирига бефарқ бўлмаган ҳар бир соғлом фикрли кишини ўйга толдиради.

Дарҳақиқат, собиқ иттифоқ давридаги “Қайта қуриш” сиёсати ва ундан сўнг давлат мустақиллигининг илк йилларидаги фикр ва сўз эркинлиги руҳида ёзилган мақолалар ўша вақтда бутун жамиятни бирлаштириб, йиллар давомида тўпланиб қолган кўпгина муаммоларни ошкор этган ҳолда оддий халқ ҳаётига янги эпкинларни олиб кирганлигини биламиз. Натижада давлат ва жамият бир тану бир жон бўлиб, мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлашга, дунёда ўз сўзи ва ўрни бор халқ ҳамда давлат сифатида намоён бўлишга маълум маънода эришилгани ҳам ҳақиқат. Аммо шундан сўнг яна катта давраларда таъкидланганидек, “қарсаклар” даври бошланди...

Буни қарангки, ўз даврида долзарб муаммоларни кўтариб чиққан ва тўғри сўзи учун халқимизга танилган кўпгина устозларимиз, айрим бош муҳаррирлар ҳам бу вақтда минг мулоҳаза билан фикр айтадиган бўлиб қолди. Шу боис устозларнинг: “Журналистиканинг нони қаттиқ, унинг ширин таъмини туйиш учун туну кун меҳнат қилиш, доимий ўқиб-ўрганиш, маънан ва сиёсий жиҳатдан сергак бўлиш керак”, деб уқтирган сўзлари бизга шунчаки оддий гапдек туюларди. Гоҳида эса: “Журналист ҳар бир сўзи учун жавоб берса, бош муҳаррир бутун газета учун, ҳаттоки ҳар бир ҳарф учун жавобгар. Ҳарбий аскар жанг майдонида таҳлика остида бўлса, бош муҳаррир учун газета саҳифаларидаги ҳар бир сўз, ҳарф “мина” сингари хавфли, қачон “портлаши”ни билмайсан”, деган фикрларни кўп эшитардик. Аммо ўша вақтда биз каби аксарият ёшлар ёзилган тўғри сўз, ўз ўрнида қўтарилган муаммо нега бош муҳаррир ёки журналист бошига ташвиш келтириши мумкинлигини тўлиқ англамаганимиз рост.

* * *

...2008-2010 йилларда “Ma’rifat” — “Учитель Узбекистана” газеталари деярли барча таълим муассасалари, ҳаттоки минглаб фидойи ўқитувчилар хонадонига кириб борар эди. Газетани варақлаган борки, таҳририят журналистларининг аксариятини ғойибона танир, қалами борлар ўз ўй-фикрлари ва воқеа-ҳодисаларга муносабатини таҳририятга ёзиб йўлларди. Шунга яраша таҳририят бош муҳаррири, ўринбосарлари-ю жамоа ҳам тиним билмас, давлат ва жамият бошқарувидаги деярли барча тадбиру жараёнларда фаол иштирок этишга ҳаракат қиларди. Бу ҳолатнинг бир жиҳати ижобий бўлса, иккинчи жиҳати шунда эдики, аксарият ҳолларда бош муҳаррир ёки ўринбосарлардан бирига ҳаттоки ойлаб таҳририятга келиш, ўз вазифасини бажариш имкони қолмасди. Чунки республикадаги энг етакчи нашр раҳбариятининг фикри, сўзи, қалами давлат ва жамият миқёсида ишлаб чиқилаётган қайсидир фармон ёки қарорнинг мукаммал чиқишига хизмат қилиши лозим бўларди...

Газета чоп этилиб бўлингач, уни “таҳрир” қилиб бўлмайди. Ёки ижтимоий тармоқларга қўйиладиган постлар, интернет нашрларидаги каби материални ўчириб ташлашнинг имкони бўлмайди. Шунинг учун ҳам босма матбуот — ҳақиқий матбуотдир, десак, хато бўлмас. Айтилган сўз — отилган ўқ каби, газета чиқдими, бўлди, уни ҳеч ким орқага қайтара олмас.

2009 йилнинг охирларида бир устоз профессорнинг мақоласи чоп этилди. Бош муҳаррирмиз Ҳалим Саидов меҳнат таътилида эди. Мақола қаҳрамони ўша пайтдаги каттаконга ёқмай қолибди. Ўша давр “сиёсати”га мос келмади, хуллас. Роса шовшув, тўполон бўлиб кетди. Не тонгки, ҳеч қандай айби бўлмаса ҳам, таътилда бўлсалар ҳам айбсиз айбдор — Ҳалим Саидов бўлди. Аризасини олишди. Ишдан ноҳақ кетказилди. Майли, бу ерда кўп тафсилотлар бор, барига тўхталиб ўтирмай. Аммо камина газета муҳаррири вазифасини бажарувчи сифатида туриб, бу ишга жим қараб тура олмасдим. Юқори идораларга, нашримиз муассиси бўлган вазирликка чиқдим. “Айб бўлса, фақат менда бўлди, мен ишдан кета қолай” деб ёниб-куйдим. Лекин ҳукм чиқариб бўлинган эди...

Бу нарсаларни тушуниш қийин эди, албатта.

* * *

“Баҳодиржон, бу ерда сизнинг умуман айбингиз йўқ. Мен 14 йил давомида бир жойда ишладим. Қоидага кўра, ҳар қандай давлат ташкилоти раҳбари бир жойда икки муддат (ҳар бири беш йилдан) ишлаши, ротация бўлиши кераклигини айтиб, бир неча бора юқори лавозимларга таклиф этишди. Вазир ёки ҳоким ўринбосари даражасидаги вазифалар... Беҳбудий йўли — маърифат йўли менга маъқул, газетчиликни яхши кўраман, ижозат бўлгунча ишлаб турайин, дея таклифларни доим рад этдим... Асосий сабаб шу. Лекин барчаси учун Аллоҳга шукр қиламан. Ахир биргаликда “Маърифат”да ёмон жамоа тузмадик, шундай эмасми?”

Хуллас, Ҳалим Саидов “ўз хоҳишига кўра” ариза ёзганини айтиб, жамоага ташаккур билдириб, розилик сўраб, таътил вақтида даволанишда бўлгани боис, яна шифохонага қайтиб кетди...

Мен эса, барибир, яна салкам бир йил зиммамдаги ўша оғир юкдан соқит бўлолмай юришга мажбур бўлдим. Бу фурсатда ҳам устознинг менга нисбатан ишончи сўнмагани, доимий кўмаги ва далдаси энг катта таянч бўлди. Ўша қадим ҳикмат сабоғи: тасодифлар тасодифан содир бўлмас экан. Туманлар тарқагач, атроф-олам равшан бўлганидек, вақт ўтиб, барча вазиятлар ва иддаолар ошкор бўлаётгани кўнгилга бироз таскин беради...

* * *

Ҳалим Саидов энг аввало ҳақ сўзга, адолатга ва кимнингдир бузилган ҳуқуқини тиклашда ОАВнинг ўрни ҳамда ўз айтар сўзи бўлиши кераклигига қалбан иқрор бўлгани учун биз каби ёшларнинг бир қолипга тушиб қолишимизни ҳеч ҳам истамасди. Шу боис кўп ҳолларда барча масъулиятни зиммасига олиб, биз кичик бўлса-да қайсидир муаммони кўтарганимизда, ўзи ҳам дилдан хурсанд бўлиб, ҳар қандай зуғум ёки туҳматга тоғдек кўкрак тутганини биламан. Энг муҳими, мақоламизда айтилган фикр ёки танқид зарбаси бошқа бир бегуноҳ мутахассиснинг гарданига тушиб қолмаса бўлгани эди.

Эсимда, бир гал обуна мавсуми даврида “Ma’rifat kunlari” тадбирлари доирасида Абдулла Авлоний номидаги Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтининг катта анжуманлар залида республиканинг турли ҳудудларидан келган 500 нафардан ортиқ таълим ходимлари билан учрашув бўлиб ўтди. Унда бошқа таълим нашрлари қаторида “Ma’rifat” — “Учитель Узбекистана” газеталари бош муҳаррири Ҳалим Саидов ҳам сўзга чиқиб, баркамол авлод тарбияси йўлидаги ислоҳотлар самарасида ОАВнинг ҳам муносиб ўрни борлиги, бунинг учун таҳририят томонидан устозларга илмий-методик ва ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан кўмак беришга имкон қадар ҳаракат қилинаётгани юзасидан фикр билдирди. Бунинг учун, энг аввало, устоз-муаллимларнинг ўзлари ҳам фаол бўлиши, нашрлардаги янгиликлардан бохабар ҳолда ўз илғор амалий тажрибаларини ҳамкасблари билан ўртоқлашиши зарурлигини таъкидлади. Энг муҳими, “Ma’rifat” — “Учитель Узбекистана” газеталари таҳририяти ташаббуси билан фаол ўқитувчи-муаллимларнинг республика ОАВида нашр этилган услубий тажрибалари “Республика миқёсида оммалаштирилган илғор тажриба” сифатида, вилоят ва туман нашрларида чоп этилгани эса ўз мақомида эътироф этилишига эришилгани эълон қилинди. Бу ташаббус, албатта, Ҳалим Саидовнинг фикрлари асосида Халқ таълими вазирлигининг буйруғига киритилган бўлиб, кўплаб устозларга рағбат бергани чин. Чунки ўз педагогик маҳоратини республика миқёсида оммалаштиришга эришган ўқитувчиларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш тизими ҳам мавжуд эди-да. Бу Ҳалим Саидовнинг жойлардаги оддий ўқитувчилар манфаатини доимо қадрлашини кўрсатиш билан бирга, унинг нашр муассислари билан ҳам мустаҳкам амалий ҳамкорлик ўрнатганини англатади. Бунинг аҳамияти эса бугунги таҳририятлар фаолиятида ҳам жуда муҳимдир.

Яна бир муҳим жиҳат: ўша йиғилишда бир ўқитувчининг: “Нега газетангизда танқидий мақолалар жуда кам?”, дея берган саволига Ҳ. Саидовнинг жавобидан барча иштирокчилар давр муаммосини англагандек бўлганди. Устоз муаллимнинг саволига жавоб бераркан, ҳаётий бир мисолни келтирди: бундан икки-уч йил илгари олис тумандаги бир мактаб фаолиятидаги камчиликлар, директорнинг эътиборсизлиги ва педагогик жамоадаги салбий муҳит оқибатида таълим сифати пасайгани муаммосини кўтардик. Мақола республика миқёсида шов-шув бўлди. Газетамиз ва журналист эътиборга, эътирофга сазовор бўлди. Аммо айнан шу мақола ортидан дастлаб мактаб директори ишдан олинди. Бироз ўтиб туман халқ таълими бўлими раҳбарияти ҳам бутунлай алмашди. Буни қарангки, муаммонинг асл ечимига ҳеч ким эътибор қаратмасдан, вилоят халқ таълими бошқармаси раҳбарияти, ҳаттоки таълим вазирлигининг масъуллари ҳам жазоланиши, ишдан олиниши эҳтимоли юзага келди.

Энди бир ўйлаб кўринг: асл журналистика муаммони ёритишда унинг ечимидан, ижобий ҳал этилишидан манфаатдордир. Тўғри, гоҳида қайсидир даражадаги муаммонинг юзага келишига раҳбарнинг ҳам дахли бордир. Лекин туман, вилоят ва ҳатто республика даражасидаги масъулларга чора кўрилишидан аввал кўтарилган муаммони бартараф этиш асосий мақсад бўлиши керак эмасми?! Аслида ўша вақтда биз кўтарган муаммо республиканинг аксарият мактабларида мавжуд экани ҳеч кимга сир эмас эди. Мана — танқидга муносабат, мана — муаммони “ҳал этиш” усули! “Бундай ҳолатда журналистда, уни чоп этган бош муҳаррирда ҳаловат қоладими?!”, дея Ҳалим аканинг кўзига ёш келганини кўриб, менинг ҳам томоғимга бир нарса тиқилган, ўпкам тўлган эди...

Дарвоқе, ўқитувчининг саволини ҳам бирёқлама қабул қилиб бўлмас эди. Чунки биргина мақола ортидан ишдан олиш “чораси” билан муаммолар гўёки ҳал этилавергач, тажрибали муҳаррир Ҳалим Саидов газетада “Бир туманда икки хил манзара”, “Мулоҳаза” каби ўзига хос рукнларни ташкил этиб, ҳақиқатан таълим-тарбияга эътибор қаратмаган, ўз ҳолига ташлаб қўйган раҳбарларни танқид этишда давом этди, давр муаммоларини кўтариб чиқишни канда қилгани йўқ. Эътиборлиси, таълим-тарбияда, долзарб масалаларга ечим ахтаришда, энг аввало, ўрнак қилиб кўрсатиш, илғор тажрибани барчага оммалаштириш қуруқ танқиддан кўра таъсирлироқ эканини устоз ҳамиша таъкидларди. Шу боис хизмат сафарларига чиққанда, пахта терими-ю уни чопиқ қилишдан ортган вақтларда кўча ва йўлларни тозалаш-у қандайдир тадбирларни “тўлдириш”га жалб этилган бўлса-да, ЎҚИТУВЧИ деган шарафли касбни ардоқлаб, ўқувчиларига янги билим бериш мақсадида тунлари ухламасдан изланишда бўлган муаллимларни қўллаб-қувватлаш, уларга кўмак бериш, кўнглини кўтариш учун “Илғор тажриба”, “Ташаббус”, “Эл ардоғидаги муаллим” каби рукнларда ибратли мақолалар ёзишга катта урғу берилгани шундан эди.

...Бугун Янги Ўзбекистонни бунёд этиш, Учинчи Ренессанс пойдеворини мустаҳкам қўйиш жараёнида замонавий журналистика, сўз ва фикр эркинлиги каби тушунчалар ҳам асл моҳиятига кўра янгиланмоқда. Шу билан бирга, журналистиканинг қайсидир тармоғи илдамлаб, бошқа бири узоқ йўлда ҳориган, бироз нафас ростлаётган давр.

Лекин бугун ҳам устоз Ҳалим Саидов замондан илдам, пешқадам, соҳа муаммоларига малҳам бўлишда, илғор ютуқларини дунёга кўрсатишда фаолдир. Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети профессори, филология фанлари доктори сифатида ёш журналистларга сабоқ бериш билан бирга, тадқиқотчиларга илмий раҳбарлик қилиш, илғор тажрибаларни, соҳадаги муаммоларни оммавий ахборот воситаларида ёритиш учун тунлари қалам тебратиб ҳормайди. Зеро, юртимиз тинчлиги, давлат ва жамиятимиз барқарорлиги, халқимиз фаровонлиги ҳамда ёш авлод камолотида журналистика фанининг, журналист касбининг вазифалари ниҳоятда залварли. Бу йўлда устоз Ҳалим Саидовга сиҳат-саломатлик, ижодий муваффақият, оилавий бахт ва узоқ умр тилаймиз.

Баҳодир ЖОВЛИЕВ.

ХОРИЖ

АСКАРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ УЧУН ЯНА 300 МЛН ЕВРО

Европа Иттифоқи Кенгаши Украина ҳарбийларига кўмаклашиш миссияси (“EUMAM”) ваколатини 2028 йил 15 ноябргача узайтирди. Ушбу мақсадлар учун бюджетдан қарийб 300 миллион евро ажратилиши белгиланди. Мазкур дастур йўлга қўйилган 2022 йилдан буён 100 мингдан зиёд украиналик ҳарбий хизматчи тайёргарликдан ўтган.



Бундан ташқари, 5 ноябрь куни Еврокомиссия “Ukraine Support Loan” кредит дастури доирасида Киевга 4,36 миллиард евро ўтказиб берди. Бу маблағнинг 658 миллион евроси мамлакат мудофаа эҳтиёжларига йўналтирилади. Шунингдек, 9 ноябрдан Польша ҳудудида Франция ва Буюк Британия бошчилигидаги “Кўнгиллилар коалицияси”нинг 22 ноябрга қадар давом этадиган илк қўшма ҳарбий машғулотлари бошланди.

БУКЕР МУКОФОТИНИНГ ЭНГ КЕКСА ЛАУРЕАТИ

Британиялик адиб М.Жон Харрисон жамият ҳалокатидан кейинги давр тасвирланган “Ҳамма нарсанинг охири” фантастик романи учун 2026 йилги Букер мукофотига сазовор бўлди.



Лондонда эълон қилинган қарорга мувофиқ, 81 ёшли муаллиф мукофот тарихидаги энг кекса лауреат сифатида 50 минг фунт стерлинг (қарийб 60 минг евро) пул мукофотини қўлга киритди. Роман воқеалари Ла-Манш соҳилларида кечади ва жамият вайрон бўлгач, мамлакатга ўзга сайёраликларнинг бостириб кириши атрофида ривожланади.

1969 йилда таъсис этилган ушбу нуфузли мукофот 2025 йилда канадалик ёзувчи Дэвид Салэйга “Тана” асари учун, 2024 йилда эса британиялик Саманта Харвига Халқаро космик станциядаги бир кунни тасвирловчи “Орбитада” асари учун берилган эди.

ТАРБЕЛА ТЎҒОНИДА ҲАЛОКАТ: ТУННЕЛЬ ВА СТАНЦИЯНИ СУВ БОСДИ

Покистоннинг Хайбер-Пахтунхва вилоятидаги Тарбела тўғонини кенгайтириш лойиҳаси (Т-5) доирасида олиб борилаётган қазиш ишларида ҳимоя тўсиғи ва тоғ жинслари қулаб тушди. Оқибатда янги қурилаётган туннель ҳамда электр станцияси биноси улкан сув тошқини остида қолган.



Ҳодиса ортидан ҳудудда фавқулодда ҳолат эълон қилиниб, барча ишчилар хавфсиз жойга эвакуация қилинди. Покистон Сув ва энергетикани ривожлантириш бошқармаси маълумотига кўра, қурилиш майдонларига сув оқими тўхтатилган, тўпланган сувни тортиб олиш ишлари бошланган.

МУЗЛАТКИЧЛАРГА КИБЕРҲУЖУМНИ КИМ УЮШТИРГАН?

Франция Ташқи ишлар вазирлиги мамлакат супермаркетларидаги совиткич ва музлаткичларга уюштирилган кенг кўламли хакерлик ҳужумида Эронни очиқ айблади. Ҳакерлар юзлаб дўконлардаги совитиш ускуналари ҳароратини 50 даражагача кўтариб, катта миқдордаги озиқ-овқат маҳсулотларининг яроқсиз ҳолга келишига сабаб бўлган.



Франция ТИВ раҳбари Жан-Ноэль Барро ҳодисани “мисли кўрилмаган тажовуз” деб баҳолаб, Эрон элчиси вазирликка чақиртирилганини ва айбдорларга қарши умум Европа санкциялари жорий этилишини маълум қилди. Париж прокуратураси мазкур воқеа юзасидан жиноий тергов олиб бормоқда.

ЙИРИК ЯДРОВИЙ ТАҲДИД ХАВФИ

Халқаро донорлар 2025 йил февралида Россия дрони зарбасидан шикастланган Чернобиль атом электр станцияси тўртинчи энергоблоки ҳимоя гумбазини таъмирлаш учун 278 миллион евро ажратиш мажбуриятини олди. Бу иншоотни тўлиқ тиклаш учун талаб этиладиган маблағнинг ярмидан кўпини ташкил қилади.



2016 йилда 1986 йилги ҳалокатдан қолган бетон саркофаг устига қурилган ва расман “Янги хавфсиз конфайнмент” деб аталувчи мазкур гумбаз станциядаги радиация тарқалишининг олдини олувчи асосий тўсиқ ҳисобланади. ЕТТБ президенти Одиль Рено-Бассо таъкидлаганидек, иншоот зудлик билан таъмирланмаса, кенг кўламли ядровий авария хавфи реаллигича қолаверади.

Интернет хабарлари асосида
Муҳаммадсодиқ ТЎРАЕВ тайёрлади.

“Гулистон” ва “Театр” журналлари бирлашган таҳририяти жамоаси таҳририят бўлим муҳаррири Бахтиёр Ҳайдаровга отаси

Эгамберди ҲАЙДАРОВнинг

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

СУҲБАТ

Ҳамидулла АКБАРОВ:

“ОЛИМ БЎЛСАНГ, ОЛАМ СЕНИКИ”



Таниқли олим, санъатшунослик фанлари доктори, профессор Ҳамидулла Акбаров табаррук 90 ёшни қаршилаганига қарамай, ҳамон қизғин ижод оғушида самарали изланишлар билан банд. Устоз билан суҳбатимизда у кишининг 40 йилдан зиёд вақт давомидаги санъатшунослик ва телевидение соҳасидаги фаолияти, бадиий ижод ҳамда илмий изланишлар жараёнлари, олий ўқув юртларидаги таълим-тарбия тизимига оид чоп этилган китоблари, Оврўпо ва Осиё мамлакатларига қилган сафарлари ҳақидаги мушоҳадаларини ёритишни ният қилган эдик. Устоз билан суҳбатимиз, ўзлари лутф этганларидек, “ширин, нашъали паллалари билан бирга жиндек заҳмат” борасида кечди.

— Устоз, ижод этган, нашр эттирган китобларингиз сони элликка яқинлашди. “Жаҳон адабиёти” журналида сизнинг қаламингизга мансуб Гулбаданбегимга бағишланган бадиий фильм сценарийсини ўқиб, “Шарқ юлдузи” журналида эса Наби Ғаниев сиймоси гавдаланган кўп қисмли бадиий фильм сценарийси билан танишиб, жуда таъсирландим. Бобурнинг севикли қизи ҳақида ниҳоятда нафис, эстетик шаклда янги, таъсирчан сўз айтибсиз. Бу асарни ёзиш жараёни ҳақида сўзлаб берсангиз.

— Гулбаданбегимнинг падари бузрукворига, умуман, ақраболарига бўлган меҳри (бу ўринда акаси Комрон истисно) ва садоқатини алоҳида таъкидлаб ўтардим. Британия музейлари, кутубхоналари, ҳатто ниҳоятда бой гўзаллик хазинаси — ноёб ёдгорликларнинг ягона базасида ҳам XV аср миниатюраларини ўрганиб, ҳозирча Гулбаданбегимнинг портретини топа олмадим. Лекин бир миниатюрани заррабин билан синчиклаб ўрганаётганимизни, қизиқиб қолганимизни сезган музей ходими очиқ чеҳра билан: “Шу композицияда Гулбадан қиёфаси ҳам бор”, деди. Аммо аниқ кўрсата олмади. Миниатюрада сарой аҳли, Акбаршоҳнинг узоқ айриликдан кейин онаси билан учрашуви, раққосалар, аёл созандалар... Улар орасидан Гулбаданбегимни топа олмаган музей ходимининг диққат-эътиборини рақс тушаётганларга қаратдим. Уларнинг иккитаси рақс ижроси давомида четда турган бир аёлга таъзим қилиб, навбатдаги нафис ҳаракатга ўтяпти. Доира чертаётган созанда аёл ҳам доирани бироз четга олиб, нигоҳини ўша аёлга қаратган. Музей ходими қувониб кетди. Бундай йўл билан Гулбаданбегимни миниатюра композициясидан излаш хаёлига ҳам келмаганини айтди.

Малика қадди-қомати келишган, сарвқомат бўлган экан. Юзининг бир қисми бироз хиралашган чизиқ ва рангда ифодасини топгандек. Малика миниатюра композициясининг чап қисмида рўмолга ўралган ҳолда тасвирланган. Катта қизғиш рўмол тагидан пешонасига дуррача тушиб турибди. Нигоҳи эса серҳаракат раққосалар ва созандаларга қаратилган...

Мен ўша давр мусаввирларининг меҳнатини жуда-жуда қадрлайман. Ҳазрат Алишер Навоийнинг миниатюрадаги тасвиридан ҳам завқланаман. Айниқса, мусаввири номаълум портретда буюк бобомизнинг асога таяниб, бизга қараб туришини соатлаб ўрганиш истаги туғилади. Маҳлиё этадиган чеҳрада олам-олам фикр мужассамдек кўринади. Уларнинг қайси бири бу гал устун келган экан? Менга қолса, у бизга — унинг қадрига етадиган авлодга қараб “ширин” табассумини йўллагандек. Шу каби нашъали дамларда мазкур миниатюра дурдонаси шоир барҳаётлигида эмас, кейинроқ — XVI-XVII асрларда чизилган, деб ўйлайман. Номаълум рассомга, тахминимизча, Хондамирнинг “Макоримул ахлоқ” асари, Бобурнинг таъриф-тавсифи, дўсти Ҳусайн Бойқаронинг самимий сўзлари асосий манба бўлганмикан? Бобомизнинг либоси XV-XVI аср миниатюраларидан олинганмикан?

— Сўзларингизни тинглаб, китобларингизда илгари сурилган илмий, бадиий концепцияларни эслаяпман.

— Кези келганда айтай: суҳбатмулоқотлар жараёнидан миннатдорман. Суҳбатдошларим ҳамиша оқил, одил, фаросати юксак инсонлар бўлган. Мирзакалон Исмоилий, Собир Абдулла, Асқад Мухтор, Галия Измайлова, Эркин Воҳидов, Чингиз Айтматов... Улар жуда кўпчилик, санасам, 200 нафардан ортади. Бундай ақли теран, адолатли, самимий шахсларга рўбарў қилгани учун Тангрига шукроналар айтаман.

Аслида илм ва бадиият бир-бирини озиқлантиради. Ижод ва илмий фаолият муштараклигида асрлар давомида вужудга келган манзаралар кишига эстетик завқ беради. Бир давр ва маконда яшаб, ижоднинг юксак намунасини кўрсатган Форобий ҳамда Фирдавсийнинг ўзаро муносабатларига доир бирор манбани ҳануз учратганимча йўқ. Бироқ файласуф олим Форобий ҳақида фақат Арасту асарларини тарғиб қилибгина жаҳонга танилган, деб ёзилган *(“Иран-наме”. Научно-востоковедческий журнал. 2008 й. №1.)*. Аммо унинг шахсий даҳоси ниҳоятда кучли бўлган. Форобийнинг доҳиёна мушоҳадалари, масалан, XX-XXI аср ихтироси — телевидениенинг тузилиши, таркиби ва синтетик табиатини теран англаш йўлини кўрсатиб бергани ҳайратланарли. Бу алломанинг фалсафаси “Шоҳнома”нинг бадиий концепциясида ҳам сезилмайдими?

Ёки мусиқа тарихи билимдони, моҳир ижрочи Дарвешали Чангийни олайлик. У “Рисолаи мусиқа” асарини зўр қизиқиш ҳамда ўша даврдаги ҳамкасбларидан чексиз миннатдор бўлиб ёзганидан гоҳ кўз ёши тўккан, гоҳ ёш боладек қувонган. Жондан севган чолғуси — чангни мақтаб, шу баҳонада мусиқа ва унинг хизматида бўлган замондошларини эҳтиром билан қаламга олиб, миллий мусиқамизнинг кечаги куни ҳақида бебаҳо мерос қолдиргани учун биз унга XXI асрда ҳам ташаккур билдиргимиз келади. Абдурауф Фитратнинг бу ҳақда илиқ сўзлар айтганидан кўнглимиз тоғдек кўтарилади. Дарвешалининг асарини Фитратнинг қариндоши, мусиқий саводи юксак Дилбар Рашидова форс тилидан рус тилига ўгириш ҳаракатида бўлганидан хабардормиз. Қўлёзмани ўрганиб, кўпгина қимматли маълумотларга эга бўлдик. Бадиий-публицистик фильм сценарийсини ёзиб, киностудияга топширганимизга ҳам 10 йилдан ошди. Ўтмиш мусиқамиз ҳақида муҳим эстетик маълумот берган олим ва санъаткорга бағишлаб фильм яратиш масаласига “Ўзбеккино” мутлақо бепарво қарашидан, бу даргоҳдаги лоқайдлик чегара билмаслигидан ҳайратда қоламан.

Дарвешали рисоласи таҳлили давомида худди у билан юзма-юз гурунглашгандек бўлдим. Хўжа Аҳрор ватанига бордим. У кишининг хонадонида тунадим. Эрта тонгда катта ҳовлида яшнаб, шох ёзиб турган кўркам дарахт остида мавлононинг ўз уйида юрганини тасаввур этдим... Шунда мусиқамизнинг бир нозик ҳамда мураккаб масаласини ҳал этиш йўлини топдим. Анчадан бери ўша муаммонинг ечимини излаб юрган эдим.

— Бу гал мулоҳазаларингизни қандай илмий концепция бирлаштириб турди?

— Мен фикр юритиш йўналишини, одатда, сарлавҳага олиб чиқаман: “Илмий матн поэтикаси. Дарвешали Чангийнинг “Рисолаи мусиқа” рисоласига кино-телевизион ёндашув”. Асардан уч жумлани келтирай: танбур — чолғуларнинг устози; чанг — барча чолғуларнинг келинчаги; уд — чолғулар шоҳи. Чолғуга тирик инсоннинг хусусияти, ҳолати, ҳатто мақоми берилиши мавлоно Чангийнинг шахсиятига ҳам берилган таъриф эмасми?

— Гулбаданни анча оғир олишув, кураш жараёнларида ҳам покиза, самимий ҳолда сақлаб қоласиз. “Ойдин кечалар”да эса Сайрам туйғусига берилиб кетган, оила қуриб, фарзанд кўрган эркак оиласига хиёнат қилади. Хуллас, руҳиятнинг икки хил кўриниши. Айтинг-чи, “эркак қўлини илк бор ушлаган қиз” бетоқат, унинг хуштори эса ҳаддан ташқари хотиржам кўриниб қолмаганми?

— Бундай руҳий кечинмаларда вазиятнинг нозиклиги фақатгина икки қаҳрамонга эмас, уларни сценарийда ва фильмда гавдалантираётган шахсга ҳам ўзини тийиб қалам тебратиш масъулиятини юклашидадир. Икки кадр тасаввуримдан кетмасди. Унинг бирида Зуҳранинг қўлини ушлашга ҳам ботинмаган Тоҳир, иккинчисида Тоҳирни Моҳимдан рашк қилиб, ёниб турган Зуҳра. Бирида уларга “Отмагай тонг”, “Қаламлар”ни айтиб, Тоҳир йўлини ёритадиган тонг шуъласини кутаётган Зуҳра, иккинчисида сандиқчилар маҳалласида камон ўқи “сири”ни билиш илинжида юрган Тоҳир. Сценарий бўйича Тоҳир роли ижрочиси Водилда мотоцикл ҳайдашни ўрганган Зуҳра — Юлдузхон ва ўша хушрўй дилбар билан туман марказига тамом бўлиб қолган “Казбек” папиросини излаб борганлар. Бўстонликда Тоҳир солинган сандиқни дарёга ташлаш саҳнаси тасвирга олиниши дамларини эслаётган, фироқ ўтида ёнган ўша актёрдан: “Музтар Юлдузхон — Зуҳранинг кўз ёшлари дурдек тўкилганида юрагингиз “жиз” этмаганми?” деб сўраганимда, ундан: “Уркуя бонуга фотиҳа қилинган эдим-ку”, деган жавобни олганман.

Эҳтимол, замон, макон ва қаҳрамон ҳаётига чуқур кириб борганингда ассоциация ҳодисаси юз берар: тасаввурда жонли, ҳаракатдаги тасвирлар мажмуаси пайдо бўлади ва пировардида ёзма ифодасини топади. Тасаввурдаги манзаранинг оғзаки ва ёзма ифодаси бир-биридан фарқ қилади, албатта. Ижоднинг бу каби сирлари эса тобора бойиб бораверади...

— Илмий матн ўзгача тараддуд ва пухта ёндашувни талаб этади. Ёзилаётган асарнинг савияси, даражаси муаллифнинг истеъдоди, тажрибаси ва билими кўламига ҳам боғлиқ. Бу ҳақда қандай фикрдасиз?

— “Олим бўлсанг, олам сеники”, деган нақл бор. Олам бу ўринда бойлик эмас, балки маънавий-маърифий кенглик маъносида. Аслида, бой олимнинг ўзи кам бўлади. Борлари ҳам сахий ва меҳрли келади, бинобарин, топган давлатини илм йўлида сарфлаб, умрининг охиригача илм фидойиси сифатида яшаб ўтади. Шундай инсонларни биламан ва доимо эъзозлаб келаман. Улардан бири марҳум академик Наим Каримов эди. Бунга яна кўплаб мисоллар келтириш мумкин.

Телевидениени ким билмайди? Ҳар куни кўрамиз, тинглаймиз, ахборот оламиз, турли кўрсатувларни томоша қиламиз. Бунинг ҳеч бир сирли томони йўқдек гўё... Аслида эса телевидение бир бутун олам эмасми? Унинг ихтиро қилиниши, тараққиёт босқичлари, тасвир ва товушнинг эфирга синхрон тарзда узатилиши, ранглар жилоси, кўчма маъноларни англатиши, эстетик завқ бериши ва маънавий эҳтиёжларни қондириш йўлидаги изланишлар шулар жумласидандир. Электрон техника оддий тасвирга олиш ва узоққа узатиш қуролидан юксак бадиий ифода воситасига айланди, бадиий синтез тушунчасининг кўламини кенгайтирди — булар ТВга бевосита тааллуқли масалаларнинг бир қисми, холос. Улар ўрганилиши, чуқур тадқиқ этилиши керак эмасми? ТВ салкам бир асрлик фаолияти давомида ҳали мукаммал мустақил методологияга эга бўлгани йўқ. У ҳам кино, радио каби бошқа санъат турлари ва ОАВда қўлланадиган усулларга мурожаат этади. Телевидениенинг бевосита “аждодлари” бўлмагани сабабли, у кўп асрлик тарихга эга бадиий ижод, фольклор, мусиқа этнографияси тажрибасидан ва уларни тадқиқ этиш методологиясидан сабоқ олади, ўрганади. Шу телевидение тарихидаги бирёқлама мулоқот — ТВ (томошабин кадр ортида қолиши) босқичидан иккинчи босқич — ТВ ва томошабин ўртасидаги фаол мулоқот (томошабин — ТВ) сари катта ўзгаришлар юз бериб бориши муқаррардир. Назариянинг перманентлиги, яъни узлуксиз мукаммаллашиб бориши табиий ҳол. Бу эса ТВ миллий қиёфаси ва табиатини илмий методологияларни ўз ўрнида қўллаган ҳолда ўрганишни, бу сержило объектга ёндашиш йўллари ҳамда методикасини ишлаб чиқишни тақозо этади. Каминанинг ТВга бағишланган минг саҳифалик янги китобида таҳлил қилинганидек, эртаклардаги “ойна”да турли воқеалар намоён бўлади. “Ойнаи жаҳон”да Фарҳоднинг олис юрт маликаси Ширинни кўриб, ҳайратга тушиши, ўша муҳит томон отланишини шеърий мисраларда тасвирлаб, ойнадаги беназир малика тасвирини (“йирик режа”) ҳамда бу ажиб гўзалликдан ҳайратга тушган Фарҳоднинг ҳолатини таърифлаши — бугунги ТВнинг айнан ўзгинаси десак, асло муболаға бўлмайди.

— Телевидениенинг бугунги шаклланиши ва келажагига муносабатингиз қандай?

— Ёрқин телетасвир кўп қиррали бугунги кунимизга хизмат қилади. Миниатюра санъатимиз ҳам, номачилик анъаналаримиз ҳам, халқ оғзаки ижодининг ранг-баранг кўринишлари ҳам, миллий мусиқа садолари ва уларнинг мароми ҳам (куйга солинган сержило сўз, мисра, иборалар ҳам) ТВ кесимида чуқур ўрганилса, ҳақиқий миллий телевидениенинг қарор топишига мустаҳкам пойдевор бўлади. Бахшичилик санъати, фольклорнинг таркиби, табиати ва тузилиши бунга бой маънавий озуқа беради. Халқ театрининг томошабин билан узвий алоқа ўрната олиши, оддий саҳналарнинг бир зумда ижодий устахонага айланиб, машқ жараёнларининг томоша давомида бевосита қабул қилиниши — бу каби телеобъективга мос, томошабин учун қизиқарли бўлган кадр ва эпизодлар телевидение нуқтаи назаридан мунтазам ўрганилиши лозим. Биз филология фанимизнинг ютуқларидан, ҳамкасбларимизнинг кашфиётларидан воқиф бўлиб, қутлов сўзларини айтамиз. Бироқ ҳазрат Алишер Навоийни, буюк наср устаси Абдулла Қодирийни, Абдурауф Фитрат каби адибларимизни фақатгина филология фани нуқтаи назаридан ўрганишимиз етарлимикан? Навоий устахонасидаги ранглар силсиласи ва жилоси бекиёс-ку! Абдулла Қодирий насрида мусиқанинг ўрни қандай? Бизнингча, бекиёс даражада зўр! Бу уларнинг энг ибратли қирралари, бадиий ихтироларидан биридир. “Умар ҳукмронлик қилган мамлакатда” сценарийсини ёза бошлаган Фитрат ва Сулаймон Хўжанинг ташаббуси олиму фузалоларимизда, адибларимизда янгича фикр уйғотмайдими? Мана шу масалалар хусусида энди бемалол баҳс-мунозара олиб бориш фурсати етди, деб ўйлайман.


— Албатта. Мазмунли ва қизиқарли суҳбатингиз учун сизга катта раҳмат!

Олтиной ТОЖИБОЕВА
суҳбатлашди.

НУҚТАИ НАЗАР

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ЭНГ КАТТА КУЧ – ЖАМОАТЧИЛИК ВА МАТБУОТ

Жамият тараққиётини фақат бунёд этилаётган бинолар, ишга туширилаётган корхоналар ёки иқтисодий кўрсаткичлар билан ўлчаб бўлмайди. Унинг ҳақиқий қиёфаси, аввало, қонун устуворлиги, инсон қадри, ҳалол меҳнат ва адолатга бўлган муносабатда намоён бўлади. Агар бир инсон ўз ҳақ-ҳуқуқини пора бермасдан ҳимоя қила олса, ҳар бир фуқаро давлат идорасига ишонч билан мурожаат этса, мансаб эгаси эса ўз ваколатини шахсий манфаатидан устун қўймаса, ана шунда жамиятда соғлом муҳит шаклланади. Аксинча, таниш-билишчилик, тамагирлик ва мансабни суиистеъмол қилиш одатий ҳолга айланса, энг эзгу ислоҳотларнинг самараси ҳам сусаяди.



Коррупциянинг энг хавфли жиҳати шундаки, у баъзан катта миқдордаги маблағлар билан эмас, балки оддий бир илтимос, кичик бир совға, “ишингизни тезлаштириб берамиз” деган ваъда ёки ноҳақ имтиёздан бошланади. Одамлар бундай ҳолатларга кўникиб қолган сари қонунга ҳурмат ўрнини шахсий алоқаларга ишонч эгаллайди. Оқибатда ҳалол меҳнат қилган инсон ўзини камситилгандек ҳис этади, ҳақиқатни айтишдан қўрқадиганлар кўпаяди, жамиятда адолатга бўлган ишонч заифлашади. Шу боис коррупцияга қарши курашни фақат жиноят содир этилгандан кейин жазо қўллаш билан чеклаб бўлмайди. Унинг илдизларини қуритиш учун одамларнинг онги, қарашлари ва кундалик муносабатини ҳам ўзгартириш зарур.

Бу жараёнда оммавий ахборот воситалари, айниқса, газеталарнинг ўрни беқиёс. Чунки газета шунчаки хабар етказувчи нашр эмас, балки жамиятдаги муаммоларни кўтариб чиқадиган, одамларни ўйлашга ундайдиган, ҳуқуқий билимларни тарқатадиган ва масъулларнинг фаолиятига жамоатчилик эътиборини қаратадиган муҳим минбардир. Унинг таъсир кучи шов-шувда эмас, холисликда; баландпарвоз гапларда эмас, аниқ далилларда; бир марталик танқидда эмас, изчилликда намоён бўлади.

Ўзбекистоннинг коррупцияга қарши кураш борасидаги ҳуқуқий сиёсати ҳам ана шу вазифалар билан чамбарчас боғлиқ. Мамлакатимиз 2008 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши конвенциясига қўшилди. 2017 йил 3 январда “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонун қабул қилиниб, ушбу йўналишдаги давлат сиёсатининг ҳуқуқий асослари мустаҳкамланди. 2020 йилда Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг ташкил этилиши эса тизимли чора-тадбирларни амалга оширишда муҳим қадам бўлди. Бироқ ҳар қандай қонуннинг ҳаётдаги самараси унинг қоғозда мавжудлиги билан эмас, амалда қай даражада ишлаётгани, фуқаро ўз ҳуқуқини қанчалик билаётгани ва қоидабузарликка нисбатан жамият қандай муносабатда бўлаётгани билан белгиланади.

Бинобарин, ҳуқуқий саводхонлик — коррупцияга қарши курашнинг муҳим қалқони. Ўз ҳуқуқини билган, қонун талабларини англаган ва ноқонуний ҳаракатларга муросасиз муносабатда бўлган фуқарони алдаш ҳам, унинг ҳуқуқини поймол қилиш ҳам осон эмас. Газеталар эса ана шу қалқонни мустаҳкамлашга хизмат қилиши лозим.

“Мингбулоқ” газетаси таҳририятида коррупция мавзусига эътибор тасодифий эмас. 2025 йилда Олий Мажлис ҳузуридаги Фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондининг “Коррупция жамият тараққиётининг кушандасидир” шиори остида тарғибот ишларини олиб бориш йўналишидаги давлат гранти танловида “Коррупция — тараққиётга таҳдид, умрга завол” лойиҳаси билан ғолиб бўлганимиз таҳририят жамоаси зиммасига янада катта масъулият юклади. Бу лойиҳа орқали коррупцияга қарши курашишни фақат газетадаги мақолалар билан чекламасдан, уни аҳоли ҳаётига яқинлаштириш, кенг жамоатчиликни умумий мақсад атрофида бирлаштиришга ҳаракат қилдик.

Лойиҳа давомида газетамизнинг барча сонларида коррупция мавзусига алоҳида ўрин ажратилди. Мақолалар, таҳлилий материаллар ва махсус плакат-саҳифалар тайёрланди. Уларнинг бир қисми босмахонада плакат шаклида чоп этилиб, ташкилот ва муассасаларга тарқатилди. Бундан асосий мақсад фақат коррупциянинг зарарли оқибатларини айтиш эмас, балки одамларнинг бу иллатга нисбатан муносабатини ўзгартириш, ҳар бир фуқарода шахсий масъулият туйғусини кучайтиришдан иборат эди.

Зеро, коррупцияга қарши курашишни фақат бир ташкилот ёки бир соҳа доирасида амалга ошириб бўлмайди. Бунинг учун жамоатчиликнинг фаоллиги, давлат идораларининг очиқлиги, фуқаролик жамияти институтларининг ташаббускорлиги ва оммавий ахборот воситаларининг қатъий позицияси зарур. Шу нуқтаи назардан, лойиҳа материалларининг “Халқ сўзи”, “Hurriyat”, “Вазият”, “Маърифат”, “Наманган ҳақиқати”, “Наманганская правда”, “Таълим таҳлилчиси”, “Ибрат”, “Наманган садоси” каби нашрларда ҳам эълон қилиниши тарғибот қамровини кенгайтиришга хизмат қилди. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎзА ва Наманган вилоят телерадиокомпанияси билан ҳамкорлик ҳам мавзунинг кенг жамоатчиликка етказилишида муҳим ўрин тутди.

Лойиҳа доирасида Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси вилоят бўлими билан ҳамкорликда “Коррупция — тараққиётга таҳдид, умрга завол” мавзусида назм ва наср йўналишларида ижодий танлов ташкил этилди. Танловнинг ўзига хос жиҳати шунда бўлдики, коррупцияга қарши курашиш ғояси фақат ҳуқуқий тушунтиришлар билан эмас, балки бадиий тафаккур ва ижодий ёндашув орқали ҳам ифодаланди. Ҳар икки йўналишда 12 нафардан ижодкор ғолиб деб топилиб, муносиб тақдирланди. Бу эса қалам аҳлининг жамият олдидаги масъулиятини яна бир бор намоён этди.

Лойиҳамиз доирасида орттирилган тажриба бизни яна бир муҳим хулосага олиб келди: коррупцияга қарши тарғибот фақат танқид ва айбловлардан иборат бўлиб қолмаслиги керак. Албатта, аниқланган муаммоларни очиқ кўрсатиш, камчиликларни далиллар асосида таҳлил қилиш ва масъуллардан жавоб талаб этиш журналистиканинг муҳим вазифасидир.

Чунки жамиятда “ҳамма шундай қилади” деган қарашнинг пайдо бўлиши коррупциянинг энг хавфли маънавий оқибатларидан биридир. Агар одамлар ноқонуний ҳаракатни одатий ҳол деб қабул қилса, унга қарши туриш иродаси ҳам сусаяди. Ҳалолликнинг амалий натижаларини кўрсатиш эса бу тасаввурни ўзгартиришга ёрдам беради.

Шу билан бирга, жамоатчилик назоратини кучайтиришда журналистнинг масъулияти ҳам жуда катта. Коррупция ҳақидаги ҳар қандай маълумот текширилиши, фактлар бир неча манба асосида ўрганилиши, инсоннинг шаъни ва қадр-қиммати ҳимоя қилиниши шарт. Асоссиз айблов, текширилмаган хабар ёки шов-шув ортидан қувиш адолатга хизмат қилмайди.

Бугун таҳририятимиз ушбу йўналишдаги ишларни янги босқичга олиб чиқишни мақсад қилган. Олий Мажлис ҳузуридаги Фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондининг Наманган вилояти бўлинмаси томонидан ўтказилган “Наманган вилоятида ижтимоий муаммоларни ҳал этишга фуқаролик жамияти институтларини жалб этиш” мавзусидаги давлат гранти танловида “Коррупция жамият тараққиётининг кушандасидир” шиори остида тарғибот ишларини олиб боришга қаратилган “Жамият ва коррупция” лойиҳаси билан ғолиб бўлганимиз бу борадаги интилишларимизнинг мантиқий давомидир.

Янги лойиҳа доирасида аввалги тажрибаларни бойитиш, йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш, тарғиботнинг таъсирчан усулларидан кенг фойдаланишга алоҳида эътибор қаратмоқдамиз. Ташкилот ва муассасаларда “Мингбулоқни коррупциясиз туманга айлантирайлик!”, “Коррупция — келажакка таҳдид”, “Коррупциясиз соҳа”, “Коррупциясиз муассаса”, “Биз коррупцияга қаршимиз” каби мавзуларда маънавий-маърифий тадбирларни янада мазмунли ташкил этиш режалаштирилган. Бунда аҳолининг турли қатламлари, айниқса, ёшлар билан мулоқотга, уларни қизиқтирадиган замонавий тарғибот шаклларига кенг ўрин бериш кўзда тутилган.

Биз, журналистлар, бу борада сўзнинг масъулиятини чуқур ҳис этишимиз керак. Қалам орқали муаммони кўтариш, ҳақиқатни далиллар билан очиб бериш, фуқарога ҳуқуқий йўл кўрсатиш ва жамиятда ҳалоллик қадрини ошириш касбий бурчимиздир. Газета жамоатчиликнинг кўзи, қулоғи ва овози бўлиб қолар экан, унинг ҳар бир саҳифаси инсон манфаати, адолат ва қонун устуворлигига хизмат қилиши лозим.

Қосимжон АКБАРОВ,
“Мингбулоқ” газетаси муҳаррири,
“Шуҳрат” медали соҳиби,
Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси.

ШЕЪРИЯТ

Ўроз ҲАЙДАР

Йилларнинг чархида йигирилди жон



Муаллиф ҳақида:

Ўроз ҲАЙДАР 1957 йили Қашқадарё вилояти Чироқчи туманида туғилган. ТошДУ (ҳозирги ЎзМУ)нинг география факультетини тамомлаган.

Шоирнинг илк шеърий тўплами “Қуёш ўтови” 1984 йилда чоп этилган. “Куйловчи тошлар”, “Мусиқор”, “Ҳазилкаш қиш”, “Оқ соя”, “Аксиамо”, “Яйловдаги оқ ўтов”, “Вақт изтироби”, “Руҳафзо”, “Кечиккан фасл”, “101 сонет”, “Фалак фаввораси”, “Сукут ҳаққуши”, “Қуёш табассуми”, “Икки ўлим”, “Буғдойзор оралаган сўқмоқлар” сингари йигирмадан зиёд шеърий ва насрий китоблари чоп этилган.

НАБИРАМГА

Отим етовига қолмади кучим,
Танни қақшатади беморлик баъзан.
Йилларга талашдир умримнинг кучи,
Мадорсиз ҳолингда кимга ёқасан?

Оёғинг етмас от узангисига,
Эгарга қўнмоққа сўрайсан мадад.
Гапирган гапингга чиқмайин эга,
Ўйинг қуроқланиб, чалғийсан беҳад.

От ўрнин той босар — бу кўҳна мақол,
Тойчоғинг гижинглаб истайди парвоз.
Хархаша, озоринг туғдирмас малол,
Нашидали дамлар туну кун ҳамроз.

Булут кўкда сузса, қўзғайди бодим,
Ҳар кимнинг ўзига ширин экан жон.
Қозиққа боғланиб қолмайин отим,
Ўзинг етакка ол, Саидкомилжон!

ҲАСРАТ

Бу ёқда дўстларим койишар ҳар гал:
“Сенга қолганми, — деб, — дунё ишлари?”
У ёқда қишлоқдош аяб-да сал-пал,
Гап ташлар: “Юрма, — деб,
— элингдан нари”.

“Опангизни жилла қурса бир йўқланг,
Ўрмонга ўт тушмас, анчайин чўккан”.
“Уйимни танимай қўйганман, жиян,
Қўлим бўшамайди мажлисбозликдан”.

* * *

Эй сайёд, кел энди, тузоғингни қўй,
Ўлдирмак ўйидан озод бўл бирпас.
Ўзингни суйгандай қушларни ҳам суй,
Парвози қалбингда уйғотсин ҳавас.

Муҳтож эмас сира тутган донингга,
Итингнинг битини термаслиги чин.
Доғ ҳам туширмайди, қўрқма, шонингга,
Рағбат истамайди парвози учун.

Барча жонзот борки, менгадир ошно,
Ўртамизда эса ҳеч қандай йўқ сир.
Қушларга дон тутсам яйрайман, ҳатто
Чумолилар билан нонуштам бирдир.

03.04.2025

* * *

Лойимни қормаган кимса қолмади,
Ким пана-пастқамда кўтарди девор.
Кимдир ҳуштак ясаб, пуфлаб толмади,
Бошқаси гувала ясаб бахтиёр.

Лой қормоқ одати азалдан маълум,
Бундан хумор қилар нодонлар ҳар он.
Не бўлган чоғда ҳам бўлмасин удум,
Қадрият саналса, буниси ёмон.

* * *

Пахтага азалдан ҳавасимиз зўр,
Боламиздан кўра суйдик, алқадик.
Отамизни йиллаб кўрмай, ўсдик ғўр,
Кўзимизда қотган гумонли ҳадик.

Замонлар эврилиб, бўй чўзди даврон,
Энди амалдорга пахта қўямиз.
Токи бошимизга тушгунча гаврон,
Гапимиз ҳазилга атай йўямиз.

Дунёни сув босса, бизда не гуноҳ?
Ғафлат бандасимиз, яйраб яшнаймиз.
Чўчиманг, уқмайин бирор сўз ногоҳ,
Қулоқларга пахта тиқиб яшаймиз.

11.04.2025

ДУО

Мени йўқлаб келди шифохонага
Қизларим — Наргиза, Хуршида, Дилдор.
Бир инжа дийдорнинг оташидан-да
Маъюс юрагимда жаранглади тор.

Момом қазосида титрамаган жон
Улкан коинотнинг бузди сарҳадин.
Гўёки наздимда тебранди осмон,
Мажнунтол алп мисол тик тутди қаддин.

Қушлар бозорига айланди хонам,
Озурда жимликнинг этагин силкиб.
Бошим силагандай бўлди-ку онам,
Кипригим куйдирди кўз ёшим килкиб.

Вужуддан хасталик қувилди буткул,
Авлиё отадай очганча бағрим,
Мен шошиб дуога чўзганимча қўл:
“Омон бўлсин, — дедим, — она қизларим”.

* * *

Гап ташишга уста, гапи йўқ одам
Ўзини подшодан баландроқ чоғлар.
Қасрга ўт тушар босса гар қадам,
Судраб қочар яшил кимхобин боғлар.

Хизр дуч келсами, бермас саломин,
Салом берган чоғ ҳам олмас алигин.
Ит ҳам хушламайди бадъаз каломин,
Тиригидан қиммат ўлиги лекин.

Ғаддорликда маккор, Иблис эркаси,
Кўзида чақнайди қасос ва алам.
Сувни юқтирмас-ку асло сиркаси,
Йўлдан адаштирар отасини ҳам.

02.05.2025

* * *

Қани ёшликдаги жўшқинлик, ошнам,
Учаётган қушни тутиб олардик.
Дарёга кўндаланг ётганча беғам:
“Денгиз бўласан!” — деб ғовға солардик.
Бўрон тушовланиб ҳиддатимиздан,
Игнанинг кўзидан ўтарди туя.
Тоғлар қалтирарди шиддатимиздан,
Аксирсак, тошларга тушарди куя.

Олақуроқ булут нафасимиздан
Чуркаб-да куйинди ҳидин сочарди.
Мабодо им қоқсак, қўрққанча биздан
Сўқмоқлар из ташлаб, ҳуркиб қочарди.

На ҳайрат туямиз кунлардан бу кун,
Саёз ҳам тортибди биз кечган дарё.
Кекса бир тутқундек боқамиз нигун,
Танимаган каби ҳеч кимни, аё.

Майда ташвишлар-ла оворамизки,
Нимага эришдик югуриб тинсиз?
Кимлардир тортмоқда аравамизни,
Ўзимиз бехабар, томошабинмиз.

ДАШТ СОҒИНЧИ

Баҳор адоғида Ҳайиткўл дашти,
Уч кунлик келиндай чирой очган дам.
Тантиқ табиатнинг сурардик гаштин —
Расул, Бойқобил-у Ҳамид бўлиб жам.

Ногоҳ юрагимга солди қалдироқ
Ўркачли қирларнинг унсиз боқиши.
Ва ҳайратда ёқди зум ўтмай шу чоқ
Бир парча булутнинг ёмғир ёғиши.

Ахир бу қирларда қолган изларим,
Болалигим ўтган сибизға чалиб.
Димоғимда қотган чечак ислари
Турналар мунгидай турар таралиб.

Ўртаниб дедим мен: “Соғинибди дашт,
Кўз ёшин тиёлмай йиғлади узоқ”.
Сен-чи, маккорликда овсар, ҳалакаш,
Учқур хаёлингга қўйдингми тузоқ?

Еёлмай ўтдинг-ку еяр ошингни,
Насия айладинг соғинчингни, ё!
Кечир, эй улуғ дашт, бағритошингни,
Бир томчи кўз ёшга кўрмабман раво.

09.05.2025

ТЎҚСОН БОБО АРЗИ

Қарийб бир аср кутдим нимани?
Билсанг, қаноатдан бошпанам бор, рост.
Кутдим кутган каби қайтмас кемани,
Ўзимни ўзимдан айлаб-да халос.

Сафардан қайтганлар юпатар баъзан,
Тасалли улашди нодонлар ҳам, лек.
Мен эса истайман озод бир маскан,
Орзу рўёбига бўлолсин бешик.

Қуруқ гап, сафсата — дунё шиори,
Алдовнинг бу манфур усули рўйрост.
Банги хаёлотнинг фаҳш изҳори,
Ювуқсиз давроннинг қутқуси, холос.

Қошиқ ўйин ўйнар ҳар бир салтанат,
Инсоний йўриқлар божин унутиб.
Келганлар, кетганлар алдашар фақат,
Ширин такаллуфдан кўрмана тутиб.

Нафақат мен — халқни кутишга шайлаб,
На машварат тузар, на ёқар гулхан.
Ишонч ёрлиғини насия айлаб,
Деворга суятиб кетар ҳар келган.

11.05.2025

ҲАЁТ ЎЙИНИ

Қўлида лангарчўп, набирам чорлар:
— Келинг, дор ўйинин ўйнаймиз, бобо.
Кўзида сурурли илтижо порлар,
Ноурфий изҳорни сир тутгай аммо.

Набирамни суйиб сўз очдим шу чоқ:
— Ҳаёт ўйинидан чарчаганман, рост.
Майли, ўз ўйининг ўйнайвер қувноқ,
Бобонг ўйинини ўйнамагил, бас.

Мўмин бандаларга етказдим озор,
Ёрғучоқсиз эздим донини, болам.
Ҳали тинган эмас қалбидаги зор,
Тоғни толқон қилар армону нолам.

Йилларнинг чархида йигирилди жон,
Лекин қор ёғилиб, излар босилди.
Менинг ўйинимни ўйнолмай, инон,
Зўрман деганлари дорсиз осилди.

12.05.2025

БОЗОР

Тингламайди бир зум ҳеч кимни ҳеч ким,
Шовқин баланд, пашша тушгандай ошга.
Харидорлар йўқдай, савдогарлар жим,
Ҳамма нарса қиммат, одамдан бошқа.

13.05.2025

ЎҒЛИМ ХОТИРАСИГА

Дунёнинг сўзи йўқ — ташбеҳсиз ғазал,
Созининг торлари узилган азал.
Гоҳ ўзингга ўзинг айларкан маҳтал,
Ҳеч банда “болам” деб куймасин, болам.

Қаландар хирқаси — бир чўпингга ҳайф,
Юлдузлар, ой оҳи — оз-кўпингга ҳайф,
Бармоғинг тегмаган тор, чўтингга ҳайф,
Ҳеч банда “болам” деб куймасин, болам.

Бир тукинг тебратмас шернинг наъраси,
Ахир кам учрайди марднинг сараси.
Кимлар тирнамади отанг ярасин,
Ҳеч банда “болам” деб куймасин, болам.

Гўзаллик мил тортар товус мунгида,
Чоҳ бордир ҳар банда сўлу ўнгида,
Оҳ-нола кўз очар умри сўнгида,
Ҳеч банда “болам” деб куймасин, болам.

Булбул сайролмаса ўзин боғида,
Қуёш — бир уюм кул ҳижрон доғида.
Бир фарёд тош қотди қалбим тоғида,
Ҳеч банда “болам” деб куймасин, болам.

Ҳур қизми севганинг, ошиқлик не ҳол?
Отанг озорида йўқ эрди малол.
Дунёга ўнгирин силкитган, алҳол,
Ҳеч банда “болам” деб куймасин, болам.

Онанг келин истаб бўлганди гирён,
Бу кун юрагида орзуси — урён.
Мен учун бир тушдир замину осмон,
Ҳеч банда “болам” деб куймасин, болам.

НАСР

Содиқжон ИНОЯТОВ

ТЎЙДАГИ ҚАРИЯ

(Ҳикоя)



Муаллиф ҳақида:

Содиқжон Иноятов 1960 йилда Хоразм вилоятининг Гурлан туманида туғилган. 1983 йилда ТошДУ (ҳозирги ЎзМУ)нинг журналистика факультетини тамомлаган. “Омон бўлса дўстларим”, “Ёруғ кунлар” ва “Онамни соғиниб” номли китоблар муаллифи.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.

Ноябрнинг одам кўксини сиқадиган даражада дилхун кунларидан бири. Кечга яқин дўстининг эскигина “Москвич”ида олис, овлоқ бир овулдаги узоқ қариндошининг тўйига боришди. Кундузи ишни ташлаб кетишнинг сира иложи бўлмади.

Чекка қишлоқларда тўй, асосан, туш пайтида бўлиб ўтади. Тўй эгалари меҳмонлар иззатини қилиб, ён қўшнисининг нимқоронғи, ноз-неъматлари дурустгина дастурхон ёзилган чоғроқ уйига бошлаб киришди. У ерда бири йирик гавдали, иккинчиси эса аксинча муштдеккина икки қария шахмат ўйнаётган одамларга ўхшаб тиззалаган кўйи юзма-юз ўтиришарди. Улар янги келганларга унчалик эътибор беришмади. Бу ҳолдан табиатан иззатталаброқ Махсум озгина малолланган бўлса-да, сездирмади.

— Бу дунёнинг охири пуч, — деди кичик жуссали чол бошини ердан кўтармай, салобатли, вазмин товушда. — Ҳа, пуч. Энди бу ёғига ҳар нафас ғанимат. Куним битиб, муздай совуқ гўрга киришимни ўйласам, дарду дунём қоронғи бўлиб кетади. Сўнг ўзимни ўзим койиб қўяман: “Ҳай, ожиз банда, шунча йил умр кўрдинг, бола-чақа орттирдинг, ризқу насибангни тердинг, ношукурлик қилма, Аллоҳга шак келтирма”, дейман.

Орага юракни эзувчи дилгир сукунат чўкди.

Ташқарида куёвжўраларнинг гангир-гунгури-ю, узоқларгача таралаётган шўхчан мусиқа. Уйда эса... Боягина кимдир ўлган-у, шунинг азасини тутиб ўтиришгандек.

Хона бўйлаб бир совуқ шамол эсгандай туюлди.

Махсум айбдор одамдай шеригига хижолатомуз қаради. Унинг нигоҳида: “Оғайни, биз янглишиб бошқа жойга келиб қолмадикми ўзи?” деган унсиз савол бор эди.

— Шундай дейсиз-у, шерик, минг қариб-чириса ҳам одамзоднинг бу дунёдан кетгиси келмас экан, — улкан гавдали чол бўғзига алланима тиқилгандай йиғламсираган товушда ғамгин минғиллади. — Мана, мисол: отам тўқсон тўрт ёшга етганида ҳам чеваралари қайғуриб: “Тўнғичини тезроқ уйлантир, мен ҳам бир тўй кўриб кетай ахир”, дерди шу ёшигача тўй кўрмагандай... Орзу-ҳавасли дунёни ҳеч ким ташлаб кетгиси келмайди, чоғи.

Таом тортилиб, кетар чоғи кичик жуссали отахон меҳмонларни бир дақиқа тўхтатди.

— Болам, олисдан келган меҳмонлар экансизлар, — деди бироз хижолатомуз товушда. — Сизларнинг олдингизда андак нохуш сўзларни айтиб, кайфиятларингизни бузиб қўйдик, билдим. Не бўлганда ҳам умри поёнига етаётган одамлармиз, суҳбатларимиз ҳам, ўй-хаёлларимиз ҳам шунга яраша энди. Бизнинг ҳолимизни кексайган чоғингизда биласизлар, узр...

Махсум кўп китоб ўқийдиган одам, фикрлаши, турмуш тарзи ҳам шунга монанд. Яхшиларга эргашиб, анчагина маърифатли давраларни кўрган, бундан ўзича қувониб юради. Қариянинг айтганлари руҳиятига, уч юз олтмиш томирига гўё симобдай сингиб кетди, чоғи. Бирдан сергак тортиб қолди. Бу дунёнинг ўткинчи, умрнинг шамолдай елиб поёнига етажагини, ҳамма нарса омонат, ўзининг ҳам фурсат-замони келганида шу одамлар сингари кексаяжагини ич-ичидан фаҳмлагандай бўлди.

Уйга қайтганда ундаги ўзгаришни аёли пайқади.

— Бирор жойингиз оғриятпими? — Тозагул хавотир аралаш сўради.

Махсум синиқ жилмайди. Тўйга борганда юз берган воқеани, икки кексанинг суҳбатини айтиб берди.

— Хайрият-эй, бошқа бир кор-ҳол бўлдимикан, дебман, — аёлининг юзи ёришиб, овозида хотиржамлик сезилди. — Менга “Қисинма, бўлар-бўлмасга қайғураверма, соғлиғингни ўйла”, дейсиз-у, ҳамма нарсани кўнглингизга олаверасиз. Салгина кенгроқ бўлинг-да энди...

Махсум аёли айтганидай феъли кенгроқ бўлмоқчи бўлди, бўлолмади; унутай деди, аммо унута олмади. Кўзи ўнгида ўша нимқоронғи хона, дарвешона ўтирган ўйчан кексалар, уларнинг маҳзун суҳбатлари қайта-қайта жонланаверди. Бирор нарсани қаттиқ ўйласанг, хаёлингда ўрнашиб қолади, ўтирсанг ҳам, турсанг ҳам ёнингда юргандай, ҳар қадамда сени таъқиб этаётгандай бўлаверади. Эсламай десанг ҳам эслайверасан. Бу дунёда ҳамма нарсада ҳикмат бор, “Чўпни кўрсанг ҳам холи кўрма”, деганлари, эҳтимол, шудир. Учраган ҳар бир одам, кутилмаганда юз берган таъсирли воқеа сенинг пешонангга битилган тақдирингнинг кичкина бўлаги. Кимдир билиб ё билмай айтган икки оғиз калима қисматингда из қолдириши мумкин.

Махсум ёзувчи бўлиб, шу кунга қадар неки ёзган бўлса, ҳаммасига ўзининг ё бирор яқинининг ҳаётида юз берган, ҳеч бўлмаса, эшитганларини асос қилган; ҳар қалай, ҳеч бири тўқиб чиқарилган ё осмондан олинган эмас. Аслида, ижодкорликнинг, қора меҳнат деб аталмиш насрнинг аксарият тушуна олмайдиган, ёзилмаган қонуниятларидан бири ҳам шу. “Ёзувчи ўзини ёзади”, дея устозлари уқтирган ақида юрагининг тўрида. Қанчалар мулоҳазали бўлмасин, сўнгги кунларда кўнглидан кечаётган, хаёлот оламида юз бераётган баъзи нарсаларни ақлу шуури теран идрок эта олмай қолди. Сабабини ўзича кўп ўйлан ганига, бир чеккаси ижод ташвишлари билан бўлиб, асаблари андак чарчаганига йўйди. Рости, сўнгги кунларда тинимсиз ишлаяпти. Яна ким билсин...

Ўша воқеани қоғозга туширмоқчи бўлди, аммо тўртта сатрдан нарига ўта олмади. “Демак, ҳали буни ёзишга тайёр эмасман, хаёлимда пишиб етилмабди, шекилли”. Сўнг эса чоллар суҳбати билан боғлиқ тафсилотлар ҳам назарида сал узоқроққа чекингандай туюлди... Бундан ҳайратланди, албатта. Ахир руҳиятига таъсир кўрсатиб, юрагини зириллатган ҳеч бир нарсани унча-мунчада эсидан чиқармас эди-ку. Ё кексая бошладими? Бора-бора кўнглида: “Бу воқеа ўзи ҳаётимда чиндан рўй бердими ё тушимда кўрдимми?” деган шубҳа-гумон, иштибоҳ пайдо бўлди. Аввалари бундай ҳолга сира тушмаган. Юрагининг бир бурчида “Қачонлардир кексаяман, чарчайман, ижоддан бироз йироқлашгандай бўламан, ўшанда ҳеч нарса ёза олмай қоламан”, деган хавотирли ўй яшаб келарди. Бу шунинг аломатимикан? Йўқ, унгача анча бор ҳали, чамаси.

Дабдурустдан сўрашга истиҳола қилди; қай бир куни чой ичиб ўтириб аёлига шунчаки эслолмаяпман қабилида: “Фалон жойдаги қариндошимизнинг исми ким эди, тилимнинг учида турибди?” дея луқма ташлади.

— Ҳа, Марғубатдаги Матмурод дойингизни айтяпсизми? — аёли шумликни сезмади, хайрият. — Тўйига бориб келган эдингиз-ку, ёдингиздами?

— Ёдимда, — Махсум енгил тортгандай бўлди. — Ўша тўй қачон бўлган эди ўзи?

— Тўққиз йил аввал, кузда. Ёмғирли кун эди.

Аёлининг сўзларидан қониққандай бўлса-да, юрагининг туб-тубида шубҳага, гумонга ўхшаган чучмал алланарса қолаверди. “Тавба, ўшанда чиндан ҳам чолларнинг гурунгини эшитдимми ўзи ё ёзувчи дўстларимдан кимдир айтиб берганмиди?” Ана шундай мубҳам ўйлар ичида юрган кезлари тўйга бирга борган ўртоғини учратиб қолди. Суҳбатлари анча қизиган маҳал гап орасида:

— Ҳув бир йили кузакда Марғубатга тўйга борганимиз ёдингдами? — деб сўради шунчаки эслатиб қўйиш оҳангида.

— Эсимда, — деди у. — Иккита чол бичиқмасликка тиришиб, — аввалгилардан эшитган, кўрган, билганларимни сизларга сўйлаб бераман, холос. Ҳар қалай, билиб қўйганингиз дуруст...”

Бир ярим ойча аввал келганида эшон тетик, кайфияти чароғон эди. Айвонда чой ичиб, анча гурунглашишган, қариндоши болалик хотираларидан, отаси Иброҳим эшоннинг ҳаётидан анчагина воқеаларни сўйлаб берган, “Бу айтганларимни бирор жойга ёзиб қўй, ҳали вақти келиб сенга керак бўлади”, деган эди. Тавба, гўё кўнгли бир нохушликни сезгандай...

Бугун эса... Бемор ниҳоятда озиб қолган, ранги анча афтода эканлигини кўриб, Махсумнинг юраги симиллаб, ичидан зил кетди. “Наҳотки?!” Ўғил-қизлари-ю келинлари жам бўлишган экан, юзларида қайғу...

— Сени кўргим келаверди, — бир сиқимгина бўлиб қолган беморнинг овози маҳзун чиқди. — Отангга жудаям ўхшайсан, ҳатто гапириш оҳангинг ҳам. У билан муштдайлигимиздан бирга ўйнаб улғайдик, Аллоҳ раҳматига олган бўлсин, илоҳим. Мендан...

Махсум қариндошининг муҳим гап айтажагини англади. Жон қулоғи билан тингларди.

— Мендан сўнг сўқмоқ узилмасин, хушёр бўлинглар. Кўп жойларда қариндошлар бир-бирини танимай қоляпти, бу — ёмон нарса... — қариянинг кўзларида ёш ғилтиллади, аммо эс-ҳуши жойида эди. — Тўқсонга чиқдим, билиб турибман, бу ёғи оз қолди. Жоним узилса, ҳамма ишларга Хушнуд аканг билан ўзинг бош бўл, эшитдингми? Шунда гўримда тинч ётаман...

Шу ерга етганида Махсумнинг юраги баттар зирқираб кетди, бўғзига аччиқ нарса тиқилгандай бўлди. Ўзини зўрға тутди.

— Ҳали бу гапларга эрта, — йиғлаб юбормади, хайрият, — Худо хоҳласа, ҳали яшайсиз.

Қария сўлғин жилмайди, гўё “қўй, мени алдама”, дегандай бўлди.

— Оз қолди, — ғилтиллаб турган кўз ёшлари озғин юзига оқиб тушди, — менга сўз бер, омонатимни хотиржам топширай...

— Кўнглингиз тўқ бўлсин, — Махсум энди кўз ёшларини яширолмади. — Ҳаммасини айтганингиздай қиламиз. Сиз ҳеч нарсага қайғурмай ётинг...

Шу чоқ “Мен бувамга бояман!” деган чийиллаган овоз эшитилди-ю, хонага уч ёшлар чамасидаги болакай алпанг-талпанг чопиб кирди. Ёшгина келинчак уни ушлаб қолмоқчи эди, улгурмади. Кичкинтой бора солиб бобосини қучоқлаб олди.

— Нега мени кўтайгани боймадингиз? — норасида энди сўйлай бошлаган, шекилли, тили чучук эди. — Сизни келай деб қайаб ўтийдим...

Хастанинг юзига нур югуриб, бирпасда чеҳраси ёришиб кетди. Чап қўли билан норасидани бағрига босиб, пешонасини силади, йиғи аралаш кулиб юборди.

— Чеварам, авлодимнинг давомчиси, Худога шукур, — хўрсиниқ аралаш сўзлади у. — Менга қараб ўтирма, энди сени отанг кўтариб юради, болам...

Атрофдагиларнинг дилида умид уйғонгандай бўлди шу тобда: “Яшайди ҳали...”.

Аммо бу ўткинчи ҳол экан, сал ўтмай, беморнинг юзи кўкариб, янада сўлғин тортди. Кичкинтойга термилиб қаради. Кўзларидан ёш дувиллаб оқди. Қоқ суяк қўли билан Махсумнинг кафтини тутди, изиллаб йиғлади.

— Бир эшитганим бор эди, — овози хирқираб, аранг чиқди, — бу дунёнинг охири пуч, деган. Тўғри айтишган экан...

* * *

Дафн маросимидан сўнг Махсум анча фурсат дилтанг аҳволда юрди. Карим эшоннинг сўнгги сўзлари кўнглидан кетмай, руҳиятида гир-гир айланаверди. Ана шундай эзгин кунларнинг бирида туш кўрди. Эшоннинг қабрини зиёрат этишга борган эмиш. Борган-у, “Бундай жойга нега ёлғиз келдим?” деб чўчиётган эмиш. Тиловат қилиб, изига қайтаётса, жуда олислардан “Ҳай, тўхта!” деган ўксик овоз эшитилармиш. Ўгирилиб қараса, оппоқ либосга ўранган эшон, аммо юзи кўринмайди... “Қай куни сен тўйдаги қарияни изламоқчи бўлган эдинг, эсингдами?” Махсум жавоб берай деса, томоғи бўғилиб, кўзи ғилт-ғилт ёшга тўлиб, тили сира калимага келмас эмиш. Нафас ололмай қолармиш. “Эсингдами? Ўша изламоқчи бўлганинг мен эдим ахир! Англадингми?”.

Махсум чўчиб кўз очди. Қулоғига алла-қайдан карнай-сурнай, ноғора-ю дўмбира овози эшитилди.

ЭССЕ

ОҲАНГЛАР НАККОШИ

ёхуд Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби, композитор Мустафо Бафоев фаолиятига бир назар

Дунёда овозлар беҳисоб: қушларнинг овози, денгизнинг, шамолнинг ва, энг муҳими, инсоннинг овози бор! Инсон эса кўплаб мусиқа асбоблари яратган — ҳар бирининг ўз характери, ўз оҳанги мавжуд. Бу созлар учун мусиқа ёзиш ҳар кимга ҳам насиб этмайди, афсуски, насиб этмайди. Насибадорларга Аллоҳ буюк эшитиш қобилиятини берган бўлади. Мустафо Бафоев буюк эшитиш қобилияти соҳибларининг энг пешқадамларидандир.

Баҳодир ЙЎЛДОШЕВ,
Ўзбекистон санъат арбоби, режиссёр

Халқимизнинг кўзга сургулик композитори Мустафо Бафоев ҳақидаги ҳикоямиз ибтидоси бундай:

Куйнинг умри бошланди... У олислардан садо беради — болаликда эсган насимлар юзингизни сийпалаб ўтади... Кўнгил бир лаҳзага вақтни доғда қолдириб, йил устига йиқилган йилларни ҳатлаб, ўтмишга сафар қилади... Абдулҳамид Чўлпон лутф этганидек: "Хаёл, хаёл... Ёлғиз хаёл гўзалдир". Кўп ҳам давроннишин бўлаверманг, маэстро. Мана, ниҳоят, кўҳна Бухоронинг Ганчкаш қишлоғидасиз! Ҳали болалик билан хайрлашиб улгурганингиз йўқ...

Бўлажак композиторнинг электрсиз, телевизорсиз болалигида фақат радио жонга ора киради. Сиймоси ниҳон хонандаларнинг қўшиқлари қулоққа илашади. Ёду қалбга муҳрланган наволар ҳавасу иштиёқ билан тўй-томошаларда ижро этилади. Ҳис-ҳаяжоннинг ортгани шеър шаклида қоғозга тўкилади. Ўғли агрономликка ўқиб, ҳурмат қозонишини, нони бутун бўлишини истаган колхозчи отага бу ҳолатлар кўп ҳам маъқул эмас. Ниҳоят, еттинчи синфни битирганида, падари бузруквор кузги зарбдор меҳнатдан олдин соғлигини тиклаб, куч тўплагани Чортоқдаги оромгоҳга кетади ва "хавфли бурилиш"га йўл очилади. Бир умр санъатга ошуфта яшаган, инисини ҳар кўрганида "Эҳ, сенинг ўрнингда бўлганимда мусиқада ўқирдим", дея қалбига чўғ ташлаб турадиган Абдулаҳад амакиси уни етаклаб, ўша кезлардаги энг машҳур Бухоро мусиқа билим юртига олиб боради.

Ҳофизу хонандаликка орзуманд ўсмирни имтиҳон қилиб кўрган устозлар бу ёшда ҳали овоз пайлари шикастланиши мумкинлигини, фурсатини кутиш кераклигини айтиб, бошқа йўналишда ўқишни тавсия этишади. Муроди ҳосил бўлмаган ини қайтиб чиқади ва амакисининг сўроғига ўксинганнамо жавоб қилади: "Йўқ, деяпти-ку, ашулачиликка олмаймиз, деяпти". Амаки уни қайтиб киришга ва бирор йўналишни танлаб, ўқишни бошлашга ундайди.

Орадан кўп замонлар ўтиб, Бафоев композитор бўлиб донг таратганда, операларидан бирини фортепианода ижро қилиб берганини эшитган Манас Левиев: "Асарларингизни ўзингиз айтсангиз ҳам бўлар экан", деди. Бу суҳбатгача ҳали кўп қовун пишиғи бор ва қаҳрамонимиз мусиқа билим юртида ғижжак чолғуси ижрочилиги бўйича таҳсил оларди. Иккинчи босқичда ўқиётганида ўзи куй басталашни машқ қилади. "Ҳали билим йўқ, лекин ичимда оҳанглар бор. Шуларни чиқармасам, ғалати бўлиб кетаман", деб эслайди композитор. Сақланиб қолмаган илк куйлар, тикрайган сочлар сабабли ёш ўспирин ҳамсабоқлар орасида Бетховен аталади.


Консерваторияда ҳам ғижжак чолғуси ижрочилиги бўйича таҳсил олган Мустафо Бафоев битирув имтиҳонида ўзи басталаган куйни ижро этади. Москвадан келган комиссия аъзолари у композиторликда ўқишини давом эттириши зарурлигини тавсия қилишади. Аммо ректор бунга кўнмайди: марҳамат, аввал бориб, 3 йил ишлаб келсинлар!

Бухоро педагогика институти ўқитувчиси, ҳарбий хизматни ўтаб келган, икки фарзандининг отаси бўлган Мустафо Бафоев тор хонага қамалиб, ҳамон куй ёзади, гўё бусиз ҳаёт йўқдек. Бир ёқда оила масъулияти, бир ёқда композиторлик бўйича таҳсил олиш хаёли. Икки жаҳон оворасининг қайтадан толиб бўлишига ҳамма қарши, лекин Дилбар янгамиз бир куни эрининг ранги заъфарондай сарғайганини кўриб, бу етишилмаса емирадиган илинж эканини пайқайди ва далда беради: "Боринг, насиб қилган бўлса, кирасиз. Қийинчилигини бирга-бирга енгаверамиз".

Иккинчи бор толиблик ҳаёти бошланади. Стипендия йўқ, ҳам ўқиб, ҳам ишлаш керак. Машаққат жондан ўтганда ортга чекиниш ҳақида ҳам ўйланади. Шу лаҳзада гурзию гавронли савол пешонангда пайдо бўлади: жон ҳузур топар, лекин кўнгил-чи, жаноб Бафоев?

Бўлажак композитор топган пулига устибошу еб-ичишдан қисиб, жаҳон мусиқаси дурдоналари ёзилган ноёб пластинкаларни сотиб олди. Фурқат кўчасидаги каталакдек ижарахонада шу тариқа катта "бойлик" йиғилади. Бир куни талончиликни ё касбу кор қилган кимсалар ижаракаш йўқлигидан фойдаланиб, хонага ўғриликка тушади. Қўлга илашадиган қийматлироқ нарса тополмаган ўғриваччалар патефонни олади-ю, 200 тача пластинкани мих билан тирнаб, майдалаб, ҳар ёққа сочиб ташлашади. Мустафо Бафоев қайтганида мулки ғорат бўлган, бебаҳо пластинкалари жанг майдонидаги эгасиз ўликлардек ер тишлаб ётибди, фақат йиғиб олиб видолашиш имконигина қолган, холос. Вайронкор куч қаршисидаги ожизликни бутун вужуди билан ҳис қилади — аввал аччиқ ўкирик, кейин елкалар силкинишига ҳамоҳанг йиғи... Парда туширилади. Бу эпизод нега таъсирли?

Композиторлик бўйича битирув иши сифатида Мустафо Бафоев "Бухоронома" ораториясини ёзди. Шу кезларда собиқ иттифоқ бўйлаб бу йўналишда ёзилган битирув ишлари пойтахт Москвага юборилиши, у ерда барчаси жамланиб, танлов асосида ғолиблар аниқланиши урф экан. Машҳур композитор Арам Хачатурян ҳайъат раиси бўлган танловда "Бухоронома" асари билан муаллиф ғолиб бўлди. Шу тариқа ёш санъаткор тилга тушди, Композиторлар уюшмасига аъзо бўлди, давлат томонидан ўзи ҳозир ҳам яшаб келаётган уй ажратилди.



Йигитнинг йўли очилди. Энди рафиқлару рақиблар унга қўлидан иш келадиган, келажаги порлоқ киши сифатида қарай бошлади. Бафоев эса кўксида камолга етаётган санъаткор қалби билан ҳамнафас ижодий инқилобларга замин ҳозирлади.

Композитор Бобурнинг тўрт ғазали асосида "Ғазал" номли биринчи симфониясини ёзди. Совет мафкураси ҳукмронлиги, қолаверса, шу пайтгача ғазаллар асосида симфония ёзилмагани туфайли академик мусиқа атрофидагиларнинг айримлари ҳайрат билан, айримлари ғашлaниброқ қарайди: "Америка очмоқчими бу йигит!" Аммо қаҳрамонимизнинг парвойи фалак, у фақат ижод, янгилик кашф этиш пайида бўлди. Майда гап-сўзларни хас-хашак каби тўзитиб, ўз йўлида қуюндек бардавом бўлди.

Таниқли адабиётшунос Шуҳрат Ризаев дейди: *"Бир муддат бўлдики, дирижёр Ғани Тўлаганов, режиссёр Баҳодир Йўлдошев ва Мустафо ака билан гап-гаштагимиз соз тушиб қолди. Кунларнинг бирида Мустафо ака бизга янги ёзган "Умар Хайём" операсини ижро қилиб берди. Шунда Ғани ака завқу таъкид билан: "Мустафо — ўзбек Пуччиниси!" дегандилар".* Санъат арбобининг композиторни итальян мумтоз операсининг сўнгги вакилига қиёслаши ҳикматини бугун теранроқ англаймиз. Муҳташам асарларини, шахс ва санъаткор ўлароқ босиб ўтган йўлини тафтиш этиб, "Бундан кейин яна бир шундай мумтоз композиторимиз бўлармикан?" деган савол қаршисида ожиз қоламиз.

Халқимиз орасида академик мусиқа шинавандалари кам топилади. Боисини бу санъат тури бизга кеча кириб келганидан излайликми ёки унинг академиклигидан? Бизнинг умумдидимиз санъатнинг академик даражасига етолмаслигини тан олиш тўғрироқдек назаримда. Худди Алишер Навоийни мутолаа қиладиганлар саноқли, "Шашмақом"ни тингловчилар бир ҳовуч бўлгани каби. Салафлари ва, айниқса, Мустафо Бафоев романс, оратория, опера, симфония каби мусиқа жанрларини миллийлаштирди, энди баҳрамандлик мақомига чиқиш ўзимизга ҳавола. Дунёнинг ҳар бурчида яшайдиган санъат ихлосмандлари, мутахассислар, қайд этилган жанрлар ватани бўлмиш Оврўпо аҳли композиторимиз асарларини зўр иштиёқ билан тинглайди, эътироф этади. Агар бу асарлар миллий санъатимиз намунасига айланмаганида, бор-йўғи тақлид бўлиб қолганида, уларнинг ҳайратига сазовор бўлармиди?! Йўқ, албатта! Қорин тўқлигию кўнгил очлигидан бизни уйқу элитганда, Бафоев Навоий ғазали асосида яратган романсидан куйлади:

Неча, эй ой, мендин айру айлагай
даврон сени,
Бўлмағай йилларда кўрмак
бир нафас имкон сени,
Жон тилар, кўнглум уйинда айлагай
меҳмон сени,
Кел-кел, эй ороми жонимким,
тилайдур жон сени,
Чеҳра очким, кўрмак истар
дийдаи гирён сени…

Устозимиз Хуршид Даврон шундай эслайди: *"1997 йилда биринчи "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивалини "Буюк ипак йўли" композицияси билан очдик. Сценарий муаллифи камина, режиссёр Баҳодир Йўлдошев, мусиқаларини Мустафо ака ёзди. Кейин ЮНЕСКОнинг шафелигида мазкур композиция Париждаги машҳур Одеон театрида намойиш қилинди. Асар тугагандан кейин француз томошабинлари ва бутун дунёдан йиғилган санъат намояндалари ярим соат тик туриб қарсак чалишди. Мустафо Бафоев санъатига олқишлар ёғдиришди. Одам ортга назар ташлаб, ўзи фахрланадиган ҳаяжонли воқеаларни эслайди, мен учун шулардан бири ўша 30 дақиқалик қарсаклардир".*

Композиторнинг илҳом, завқ, машаққат ва меҳнат оғушида кечган ҳаёти ҳосиласида бетакрор асарлар дунё юзини кўрди. Уларнинг салмоғу савиясига қатор синчилар анчайин ҳайрат билан баҳо беришади. Шунга кўра, Мустафо Бафоевнинг асарлари ўзбекона олтин устун бўлиб, жаҳон мусиқаси қасрини бир томондан кўтариб турибди, дейишга журъат этамиз...

Йўллар кўп... ўзаро туташ, чалкаш ёки мутаносиб. Юрилавериб, увадаси чиққан йўллар ҳам бисёр. Даҳолар эса йўлсизлик аро йўл яратадилар. Санъат юрагини ҳаракатга келтириб турган қон кашфиётлар билан янгиланади. Мустафо Бафоев илк бор танбур сози учун симфоник оркестр жўрлигида концерт ёзди. У япон, хитой, жанубий кореялик композиторлар асарлари қаторида Токиода ўтказилган "Концерт жанри кечаси" фестивалида ижро этилди. Буюк Шарқнинг мусиқашунос намояндалари ўзбек композитори асарини энг сараси деб баҳолашди ва маънан таъзим бажо келтиришди.

Санъат — бешафқат, унда шараф осонликча қозонилмайди. Ўз услубини кашф этолмаган, янгилик қилолмаган кишига санъат дарғалари каҳкашонида ўрин йўқ. Мустафо Бафоев эса умр бўйи нафақат ўзгаларни, балки ўзини ҳам такрорламасликка интилиб яшамоқда. Эҳтимол, шунинг учундир, хорижда ҳам унинг маҳобатли ижодий меросига шайдолар етарлича топилади...

Жаҳонга машҳур америкалик виолончель ижрочиси Йо-Йо Ма мусиқа ёзиб беришини сўраб излайдиган, очуннинг тўрт томонида асарлари туфайли ҳайрату эҳтиромга сазовор бўлиб келаётган бу сиймо билан тақдир мени 2021 йилда рўбарў этди. Кўрсатув тайёрлаш баҳонасида ўзим учун ёрқин бир маёқни топдим ва ҳамон уни кашф этишга интиламан. Бир суҳбатимизда ўспиринлик йилларида "Бетховен" аталганини завқ билан эслаб, ул даҳонинг ўжару эркпарвар феъл-атворига менгзайдиган табиати туфайли кўп панд ейишини айтди. Сўнг кулиб давом эттирди: "Можаро бошласам, янгангиз:

— Нимага шунақасиз, яхши гапирсангиз, ишингиз битиб кетади-ку, — дейди. Мен жавоб қиламан:

— Ёлғон гапиролмайман. Қорани оқ десам, қанақа бўлади? Бу юрагимга бориб тегади, юрагим зирқирайди".

Боладай беғубор даҳога қараб, "улкан одам" қандай бўлишини ўзимча чамалайман. Тўғрилик олдида маъсум ва тавозели, ғирромликни кўрганда муросасиз ва оташин. Ана шундай сизу бизнинг Бафоевимиз!

Санъаткор шахсиятида инсоний фазилатларнинг энг эзгулари мужассам бўлмоғи лозим. Боиси, ижодий жараёнда унинг қалбидаги туйғулар, кечинмалар, онгидаги ғоялар, фикрлар асарига кўчади. Одам бўйидан баланд сакрай олмайди. Буюк шахсият соҳибларигина буюк асарлар иншо этишга қодир...

Яна бир лавҳа ёдга тушади. Журналистлардан бири ўзбекнинг афсонавий композитори Мутал Бурҳонов билан суҳбатлашар экан: "Армонингиз борми?" деган навбатчи савол билан мурожаат қилади. Шунда у ҳеч ким кутмаган жавобни айтади: "Ёш бўлсам-да, Мустафо Бафоевга шогирд тушсам, дейман". Бу устознинг мардона эътирофи, меҳру алқовга йўғрилган баҳоси эди...

Композитор фортепианода куй бошлади. Бу устози Мутал Бурҳонов хотирасига бағишланган, Абдулла Орипов қаламига мансуб романс.

Ўлмагай жисмимдаги жон — санъатим,
Тоабад қалбимда иймон — санъатим.
Икки дунё мулки бўлдинг сен ўзинг,
Менга ҳам бўлдинг шараф-шон,
санъатим...

Улуғимиз ҳақидаги ҳикоямиз интиҳоси бундай:

Яралмишида оҳанглар бўлган куй умрини яшаяпти... Унинг умри наққошининг умридан узун, умид қиламизки, мангу қадардир!

Сирожиддин ИБРОҲИМ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси,
шоир.

ХОТИРА

ЯХШИ НОМ АСЛО ЎЧМАГАЙ...

Сурхон воҳасининг Жарқўрғон тумани нафақат вилоятда, балки мамлакатимизда ҳам ўз ўрнига, салоҳиятига эга ҳудуд ҳисобланади. Меҳнаткаш, самимий ва содда одамлари, олтинга тенг тупроғи тарифга сиғмайди. Бу заминда етиштирилган мева ва сабзавотлар ўзига хос таъми ҳамда фазилати билан ажралиб туради. Халқи содда, тўғрисўз, меҳнаткаш ва ҳалол. Ўғлонлари юртимиз равнақига беминнат ҳисса қўшган бўлса, аёллари одил ва мард фарзандларни тарбиялаб вояга етказган. Бу заминдан эл юкини елкасида мардонавор кўтарган кўплаб фидойи инсонлар етишиб чиққан. Шундай эл фарзандларидан бири Норали Боймуродовдир.

Норали Боймуродов 1913 йилда Жарқўрғон туманидаги Кўртуғай қишлоғида, оддий деҳқон оиласида тавваллуд топди. Бошқа тенгқурлари сингари унинг ҳам болалиги қишлоқда ўтди. "Бўладиган бола бошидан маълум", деганларидек, Н. Боймуродов болалигиданоқ хуш хулқи, ҳалим табиати, илмга чанқоқлиги ва тиришқоқлиги билан тенгдошларидан ажралиб турарди. Оила бошлиғи Боймурод Раҳимовнинг етти ўғил ва бир қиз фарзанди орасида тўнғичи Норалига меҳри бўлакча эди. Ўша давр шароити туфайли бошланғич таълим билан чекланган Н. Боймуродов 15 ёшида янги ташкил этилган "Батрак" артелида колхозчи, звено ва бригада бошлиғи бўлиб ишлади. У ерда 1928-1937 йилларда самарали меҳнат қилиб, эл-юрт ва раҳбарият эътиборини қозонди. Қишлоқ хўжалиги соҳасида тўпланган катта тажрибаси сабабли 1937 йилда у "Меҳнат — роҳат" колхозига раис этиб сайланди ва умрининг охиригача шу хўжаликни бошқарди.

Норали Боймуродов 24 ёшида колхоз раиси бўлди. "Ақл ёшда эмас — бошда", дейдилар. У ёш бўлишига қарамай, Ватан ва халқ фаровонлиги йўлида сидқидилдан меҳнат қилди. Унинг раҳбарлигида қисқа фурсатда хўжаликда пахтадан юқори ҳосил олишга эришилди. Қаҳри қаттиқ уруш йилларида Н. Боймуродов қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш орқали фронтга моддий мадад бериш билан бирга, етим-есирлар ҳамда муҳтожлар ҳолидан хабар олишга ҳам алоҳида эътибор қаратди. Оқилона бошқарув туфайли колхоз аъзоларининг турмуш тарзи кун сайин яхшиланиб, даромадлари ошиб борди. Албатта, бундай фидокорона меҳнатлар эътиборсиз қолмади. Ҳукумат томонидан ўнлаб орден ва медаллар қаторида унга "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган пахтакор", кейинчалик "Меҳнат Қаҳрамони" унвонлари берилди.

Норали Боймуродов 1967 йилда вафот этгач, унинг хотирасига ўзи раислик қилган колхозга Норали Боймуродов номи берилди. Кейинчалик унинг хотирасини янада абадийлаштириш мақсадида туман марказида уй-музейи ташкил этилди. Ушбу музей бугунги кунда ҳам фаолият юритмоқда. Унда Сурхон юртининг фидоий фарзанди ҳаёти ва меҳнат йўли билан боғлиқ юзлаб суратлар, тасвирий асарлар ҳамда ўша давр муҳитини акс эттирувчи ноёб экспонатлар ўрин олган.

1973 йилдан бошлаб Жарқўрғон туманидаги "Қизилмозор" даштида Н. Боймуродов хотирасига бағишлаб ҳар йили спортнинг мотокросс тури бўйича Ўзбекистон чемпионати ва биринчилиги мунтазам ўтказиб келинмоқда.

Норали отанинг саккиз фарзанди бўлиб, бугунги кунда улардан икки нафари — Чори Боймуродов ҳамда Қурбоной Боймуродовалар ҳаёт. Иккинчи фарзанди Жўра Норалиевни эса кўпчилик яхши танийди: у бир неча йил Жарқўрғон тумани ва Сурхондарё вилояти ҳокими сифатида масъул лавозимларда ишлаган.

Бугун Норали Боймуродовнинг кенжа укаси Хушбоқ Боймуродов Жарқўрғон туманидаги "Меҳнат — роҳат" маҳалласида 78 ёшни қаршиламоқда.

— Раҳматли акам ўзгача фазилат эгаси эди, — деди Хушбоқ Боймуродов. — Акам бор-йўғи 54 йил умр кўрган бўлса-да, ўзбек халқи тарихида ўчмас из қолдирди. Бугун у киши ҳаёт бўлмаса-да, юртдошларимиз кўп эслашади. Ҳали-ҳануз уй-музейининг фаолият кўрсатаётгани, ҳар йили февраль ойида "Қизилмозор" сўқмоқларида мотопойга бўйича Ўзбекистон чемпионати ва республика биринчилиги ўтказилаётгани акамнинг хотирасини эъзозлаш йўлидаги улкан ишлардандир. Невара-чеваралари ҳам ҳозирда турли соҳаларда самарали меҳнат қилиб, юртимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшиб келишмоқда.

Халқ фаровонлиги, эл осойишталиги ва эзгулик йўлида босилган излар ҳеч қачон ўчмайди. Бу излардан ҳамиша эзгулик унади. Юрт равнақи учун қилинган холис хизмат, элу юртга бағишланган умр ҳеч қачон унутилмас экан.

Холмуҳаммад ТОҒАЙМУРОДОВ,
журналист.

ИЖТИМОИЙ ТАРМОҚЛАРДА



Сўровнома натижаларига кўра, кечаги ёмғирдан сўнг Ўзбекистоннинг 70 фоиз ҳудудида свет ўчгани ҳақидаги постимизга "Ҳудудий электр тармоқлари" АЖ вакиллари жиддий эътироз билдиряпти.

Хўп, сўровномага ишонмасайлар (ишонмасангиз. – таҳририят), неча фоиз ҳудудда аҳоли электр энергиясиз қолди, шу бўйича расмий маълумот борми, дея саволга савол билан жавоб қайтардик.

Тахминимизча, "Ҳудудий электр тармоқлари" АЖда бундай маълумотнинг ўзи йўқ. Бўлса ҳам буни эълон қилиша олмайди...

platforma.uz

Тўғри, жойларда ёмғир туфайлими, шамол туфайлими ёки бошқа сабабданми электр таъминотида узилишлар бўлаётгани — ҳақиқат. Бироқ (сўровномаларга кўра бўлса ҳам) мамлакатимизнинг неча фоиз ҳудудида чироқ ўчгани, эҳтимол, баҳслидир. Аммо ана шундай "тиш-тирноқли" хабарларни ёзаётгани учун барибир "platforma.uz" га раҳмат!

"Hurriyat".

Hurriyat
Mustaqil gazeta

Муассис:
Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси

Бош муҳаррир
Абдурасул ЖУМАҚУЛОВ

Газета 2007 йил 3 январда Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 0080 — рақам билан рўйхатга олинган.

Ҳажми 4 босма табоқ. Бичими — А-2.

Баҳоси келишилган нархда

Таҳририятга келган хатлар доимий эътиборимизда.
Мақола ва хабарларда келтирилган маълумотлар учун муаллиф жавобгар.

Адади: 3521
Буюртма — Г-1144

1 2 3 4 5 6

Топширилиш вақти — 21⁰⁰
Топширилди — 21³⁰

Телефон: (71) 244-32-68, 244-32-91
Тел-факс: (71) 244-32-80
Реклама ва маркетинг бўлими: (71) 244-32-70

Манзилимиз: 100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.
Elektron manzil: gazhurriyat@mail.ru; info@uzhurriyat.uz

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва дизайнер Эркин Ёдгоров томонидан саҳифаланди.

ISSN 2181-0680

Обуна индекси: якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233

Навбатчи: Йўлдош Маҳмудов. Мусаҳҳиҳ: Зуҳра Ҳасанова.

"Шарқ" НМАК босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.